



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
“КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

“Иқтисодиёт”
кафедраси мудир:
и.ф.н., доц. Р. Исмоилов _____

Ҳимояга руҳсат этилди
факултет декани:

“ _____ ” _____ 2012 йил

“Иқтисодиёт” таълим йўналиши бўйича битирувчи

ТОЖИБОВ ЎТКИРНИНГ

**“Саноат тармоқларида экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни
ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи:

Тожибоев Ў _____

Илмий раҳбар:

кат. ўқит. З. Абдулҳакимов _____

Наманган – 2012й.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги глобал даражада амалга оширилаётган стратегик интеграцион вазифаси — мамлакатдаги барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи дунё билан ўзаро ҳамкорлиги учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга жавоб берувчи шарт-шароитлар яратиш асосида халқаро валюта — молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилишидир. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон учун жаҳон иқтисодиётига хос бўлган глобаллашув жараёнида ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш натижасида миллий иқтисодиётда ташқи савдо стратегиясининг экспортга йўналтирилганлиги ва рақобатбардошлигини ошириш орқали жаҳон бозорида ўзининг юксак ўрнини таъминлаш ҳозирги куннинг асосий муаммоларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисида 2012 йил 26 мартдаги ПҚ — 1731-сонли қарорида таъкидланганидек: «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб — қувватлаш ва экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайтирилишини рағбатлантириш мақсадида имтиёз ва афзалликларнинг комплекс тизими яратилди».¹

Бунинг натижасида, жаҳон бозорларидаги конъюктуранинг сезиларли ўзгаришларига қарамай, охирги 5 йил ичида маҳсулотлар экспорти 1,67 баробар ўсди, унинг тузилмасини диверсификация қилиш таъминланмоқда — экспорт умумий ҳажмида тайёр маҳсулотларнинг улуши 68,5 фоиздан ортиқни ташкил этади.

¹ 2012- йил Ватанимиз тараққиётини Янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислон Каримовнинг 20011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил.

Бундай корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш учун уларни қўллаб – қувватлаш мақсадида қатъий чоралар кўрилди.

Экспорт қилувчи корхоналарга, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, уларни ташқи бозорларга олиб чиқиш масалаларида кўмаклашиш бўйича ихтисослашган тузилмалар ташкил этилди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб – қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000-йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир.¹

Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 5 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки 2000 – йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Бу жараён жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни дунёга келтиради. Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлоқлаштириш ва унга бир томонлама қараш тўғри бўлмайди.

Ҳар қандай айирбошлашнинг аҳамияти, унинг самарадорлиги, шу жумладан, амалга ошириладиган ҳамкорликдан томонлар оладиган афзалликлар билан белгиланади.

Президентимиз ўз асарларида таъкидлаганларидек: «Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим — Ўзбекистон бугун халқаро

¹ 2012- йил Ватанимиз тараққиётини Янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якуналари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил.

хамжамиятнинг ва глобал молиявий – иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади».¹

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, халқаро савдонинг ривожланиши давлатларнинг ташқи савдога бўлган муносабатларининг ўзгариши натижасида амалга ошади, яъни кўпчилик давлатлар савдода бир нечта эркин айирбошлаш асосида тамойилига амал қила бошладилар. Бироқ барча давлатлар ўз шароитларидан келиб чиққан ҳолда бу қоидага амал қилишган. Эркин савдони ёқловчи давлатларнинг барчаси ҳам бирданига бундай сиёсатга ўтишмаган, балки, ташқи савдони аста – секинлик билан эркинлаштириб боришган.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000 – 2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.²

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, мустақил мамлакат сифатида Ўзбекистон учун ташқи савдо алоқаларининг ривожланиш тенденциялари ва хорижий корхоналарда ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, ташқи савдо алоқаларини самарадорлигини

¹ Манба: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 10-б.

² 2012- йил Ватанимиз тараққиётини Янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислам Каримовнинг 2001 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил.

ошириш масалалари айти кунда муҳим ва долзарб масалалардан ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш йўналишлари муаммоси эндигина пайдо бўлган янги муаммо эмас. Бизнинг мамлакатимизда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам етакчи олимлар бу муаммо билан шуғулланиб келмоқда. Хусусан, У.Стаффорд, К.Скарруфи, Т.Мен, А.Сер, А.Монкретъиен, А.Смит, Д.Рикардо, М.И.Туган-Барановский, Э.Чемберлин, Л.Мизес, Ф.Хайек, М.Фридман, Дж.М.Кейнс, Ф.Перу, Э.Хекшер, Б.Олин, В.Леонтьев, П.Самуэлсон, В.Столпер, М.Познер, Г.Хуфбауэр, Р.Вернон, М.Портер, Ж.Сакс, А.Маршелл, С.Линдерт, П.Кругман, Д.Хикс, Франк Флаттерс, Тим Хазлидин, МДХ мамлактларида эса В.И.Кушлин, А.А.Волчин, В.В.Покровская, Г.П.Овчинников, Е.Ф.Авдокушин, В.П.Колесов, Э.Т.Рубинская, В.Соколов, Б.Фомен, Ю.Шишков, А.Эльянов сингари иқтисодчи олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Битирув битирув малакавий иш ишининг мақсади саноат корхоналарида экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун илмий – тадқиқот ишида бир қатор вазифалар ҳал этилган, яъни:

- Давлатнинг ташқи савдо алоқалари сиёсати;
- Ўзбекистонда ташқи савдо алоқаларининг ривожланиш тенденциялари;
- экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- Ташқи савдо фаолияти билан шуғулланаётган саноат корхоналарида экспортни ривожлантириш босқичлари, муаммолари ва истиқболлари;
- мамлакатини модернизация қилиш даврида ташқи савдо алоқаларидан самарали фойдаланиш йўллари.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.

Ҳимояга тақдим қилинаётган ушбу битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- Ўзбекистан Республикаси ташқи савдо алоқаларига хос бўлган хусусиятлар асослаб берилди;
- Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқалари, хусусан ривожланган давлатлар билан ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш йўллари асослаб берилди;
- Мамлакатни модернизация қилиш даврида саноат корхоналарида экспортбоб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишсининг таркибий тузилиши ва ҳажми.

Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. Саноат корхоналарида экспортбоб махсулотлар ишлаб чиқаришнинг илмий назарий асослари.

1.1.Ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш орқали корхоналарда экспортбоб махсулотлар ишлаб чиқариш

Ҳозирги кунда жаҳон ҳўжалиги барқарор суръатлар билан ривожланиб бормокда. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши глобаллашувнинг кучайишига, у эса ўз навбатида, халқаро савдонинг ривожланишига боғлиқ бўлди.

Халқаро савдонинг ривожланиши давлатларнинг ташқи савдога бўлган муносабатларининг ўзгариши натижасида бўлди. Яъни, кўпчилик давлатлар савдода бир қадар эркин айрибошлаш тамойилига амал қила бошладилар. Бироқ барча давлатлар ўз шароитларидан келиб чиққан ҳолда бу қоидага амал қилишган. Бунинг устига, эркин савдони ёқловчи давлатларнинг барчаси ҳам бирданига бундай сиёсатга ўтишмаган, балки, ташқи савдони аста – секинлик билан эркинлаштириб боришган.

Халқаро савдо энг кўхна мавзулардан бири ҳисобланади. Халқаро савдонинг ўзи мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқалари бўлиб, у товар ва хизматларни ишлаб чиқарган мамлакатлар билан уни сотиб олувчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро олди — сотди муносабатлари тушунилади ёки бошқача айтганда, у товарлар импорти ва экспортидан иборат бўлади.¹

Экспорт ва импорт суммасининг пулда ифодаланиши мамлакатнинг ташқи савдо айланмасини намоён этади. Ташқи савдонинг асосида халқаро меҳнат тақсимоти ётади. Ташқи савдонинг ривожланиш хусусияти ва даражаси ҳамда аҳамияти ишлаб чиқаришнинг хусусияти ва даражаси билан характерланади.

Жаҳон тараққиётининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсишида намоён бўлади. Ташқи савдо халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш, илмий –

¹ Манба: Фомичев В.И. Международная торговля: Учебник; 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ИНФРА-М, 2001.стр. 314.

техникавий ва бошқа шакллари билан бир қатордаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ҳисобланади.

Бу муносабатлар халқаро меҳнат тақсимоти ва мамлакатларнинг маълум маҳсулот ишлаб чиқаришига ихтисослашуви натижасида пайдо бўлган бўлиб, ҳозирда тобора ривожланиб борапти. Халқаро товар алмашинуви шу муомилада иштирок этаётган мамлакатларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига сабабчи бўлади, чунки бу мамлакатлар ўзлари истеъмол қилаётган товар ва хизматларни ўзлари ишлаб чиқариш заруриятидан холис этади. Халқаро савдо бўлганлиги сабабли мамлакатлар чет эл товар ва хизматларидан устунликка эга бўлган, рақобатбардош товар ва хизматларни ишлаб чиқарилишига шу бозор сегментининг ихтисослашувига ва аксинча, чет мамлакатларига нисбатан рақобатбардош бўлмаган товар ва хизматларни олиб кирилишига эришдилар.

Бир неча асрлардан буён турли мамлакат иқтисодчиларини мамлакатларнинг нима учун бир — бирлари билан савдо қилиш ва уларнинг халқаро савдодаги ихтисослашувларига қандай омиллар таъсир қилиш сабаблари қизиқтириб келган ва бунга жавоб топишга ҳаракат қилишган. Шундан кейин аста — секин халқаро савдо назариялари пайдо бўла бошлаган. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, халқаро савдо назарияси тарихининг икки асри давомида, яъни XVIII аср охирларидан бошлаб, унинг кўпгина муаллифлари мамлакатлар ўртасида давлат аралашмаган, эркин савдо алоқалари тарафдорлари бўлишган.


Жаҳон тараққиётининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсишида намоён бўлади. Ташқи савдо халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш, илмий — техникавий ва бошқа шакллари билан бир қатордаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ҳисобланади.

Ҳар қандай мамлакат ташқи савдонинг ҳолатини унинг савдо баланси орқали баҳолаш мумкин. Ташқи савдо баланси товарларнинг экспорт ва импорт ва реэкспорт операциялари бўйича барча пул тушими ва

тўловларнинг нисбатини ифода этади. Савдо баланси, ўз навбатида, мамлакат тўлов балансининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Тўлов баланси хорижий ҳамкорлар билан нафақат товар, балки пул соҳасида ҳам амалга ошириладиган операцияларни акс эттиради.

1.1.1-расм.Ташқи савдо усуллари.¹

1.1.1-чизма.



Мутлоқ устунлик назарияси. Халқаро савдо ривожланишининг фойдалилигини, яъни меркантилистларни танқид қилган ҳолда, мамлакатларнинг халқаро савдони эркин ривожланишидан манфаатдорлигини, уларнинг экспорт қилувчи ёки импорт қилувчи эканликларидан қатъи назар халқаро савдода иштирок этишларидан ютишларини кўрсатиб берувчи назарияни Адам Смит ўзининг «Халклар бойлиги табиати ва сабаблари ҳақида» (1776 йил) номли китобида «мутлоқ устунлик» назарияси номини олган концепсиясида ёритиб берди. «Мутлоқ устунлик» дегани, бу ҳар бир мамлакатда шундай товар мавжудки, ҳаражатлар бирлигига ҳисоблаганда у бошқа мамлакатларга қараганда кўпроқ ишлаб чиқариши мумкин бўлган вазиятдир. Бу давлатлар ўртасидаги

¹ Манба: Манба: М.А.Маринич Введение во внешнюю торговлю. - М.: ЮНИТИ, 2000. - 14стр.

эркин ташқи савдо алоқаларининг зарурлигини ва муҳимлигини асослаб берувчи классик назариянинг ривожланишига асос бўлди.

А. Смит моделини кўриб чиқаётганда таҳлил учун фойдаланиладиган баъзи шартларни келтириш талаб этилади:

- Дунёда фақат иккита мамлакат мавжуд;
- Мамлакатларда фақат иккита маҳсулот ишлаб чиқарилади;
- Мамлакатлар орасида товарлар савдоси чеклашларсиз амалга оширилади;
- Халқаро савдо мувозанатлаштирилган (импорт экспорт билан тўланади);
- Фақатгина меҳнат товар баҳосига ва унумдорликка таъсир кўрсатади.
- Ишлаб чиқариш омиллари мамлакат орасида кўчиб юрмайди;
- Меҳнат ва маҳсулотни чиқиши орасидаги нисбат доимий.
- Ишлаб чиқариш омиллари тармоқлар орасида мутлоқ кўчиб юриши мумкин.
- Ҳар икки мамлакатда ва икки тармоқда соф рақобат муҳити мавжуд бўлади.

Адам Смит ўзининг мутлоқ устунлик модели, аниқ бир давлатда аниқ бир товар бирлигини ишлаб чиқариши учун керак бўладиган вақтга асослангандир. Айтайлик, Ўзбекистонда энг арзон ишлаб чиқариладиган товар пахтадан бир бирлик кўйлак ишлаб чиқариш учун 3 соат ва бир бирлик шакар ишлаб чиқариш учун 6 соат вақт талаб этсин. Украинада эса бир бирлик кўйлак ишлаб чиқариш учун 12 соат бир бирлик шакар ишлаб чиқариш учун эса 4 соат керак бўлсин. Бунда Ўзбекистон бир бирлик кўйлакни ишлаб чиқаришда Украинага нисбатан 9 соат кам вақт сарфлаган, Бу дегани Ўзбекистон бир бирлик кўйлакни ишлаб чиқаришда мутлоқ устунликка эга. Украина эса, ўз навбатида шакар ишлаб чиқаришда мутлоқ устунликка эга. Агар Ўзбекистон шакар ишлаб чиқаришни қисқартирса ва кўйлак ишлаб чиқаришни оширса ва Украина аксинча кўйлак ишлаб чиқаришни қисқартирса ва шакар ишлаб чиқаришни оширса, мутлоқ

устунлик тамойилига асосан халқаро меҳнат тақсимоти ва халқаро савдо юзага келади.

Нисбий афзаллик назарияси. Бунини юқорида келтирилган Ўзбекистон ва Украина мисолида кўриб чиқсак, лекин Д.Рикардо А.Смитдан қуйидагича тарзда, яъни ҳаражатлар бирлиги мисолида келтиради. Айтайлик, Ўзбекистон шакар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириб, эндиликда ҳаражатлар бирлиги ёрдамида 67 кг шакар ёки 100 дона қўйлақ ёхуд мазкур миқдорлар доирасида уларнинг исталган комбинациясини ишлаб чиқариш мумкин бўлсин, шунингдек Украинада ҳаражатлар бирлиги ёрдамида 50 кг шакар ёки 25 дона қўйлақ ёхуд мазкур миқдорлар доирасида шакар ва қўйлақларнинг исталган комбинациясини ишлаб чиқариш мумкин бўлсин. Бу ҳол украиналик тадбиркорлар учун ўзбекистонлик тадбиркорлар билан савдо қилишнинг маъноси қолмаганлигини аниқлатадими?

Ҳаражатларни тежаш нуқтаи назаридан Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг украиналик ишлаб чиқарувчилардан қанчалик устунлигини ҳисоблаш керакми? Бу устунлик даражаси ҳар иккала товар бўйича бир хил бўлиши эҳтимолдан йироқ. Бир товар бошқа товарга қараганда кўпроқ самара билан ишлаб чиқиши аниқ. Демак, ишлаб чиқариш тармоқларидан бири ривожлантириш ва унинг маҳсулоти экспорт қилиш учун нисбатан фойдалилик мамлакатлар ўртасида товарлар айирбошлашнинг тузилишини белгилаб берадиган асосдир.¹

Гарчи Украинага иккала товарни ишлаб чиқариш Ўзбекистондагига қараганда қимматроққа тушса ҳам, савдо алоқаларини ўрнатиш мамлакатларнинг имкониятларини кенгайтиради. Савдо қилиш имконияти туғилиши билан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган битта қўйлақ нархига Украинада 2 кг шакар сотиб олиш, шакарни Ўзбекистонга жўнатиш ва у ерда 2 кг шакарни 3 та қўйлақ нархида сотиш мумкинлигига эътибор беради. Иккала мамлакатда ҳам ҳар бир товарни ишлаб чиқариш қанчага тушишидан

¹ Манба: Фомичев В.И. Международная торговля: Учебник; 2-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2001. стр. 9.

катъи назар, Украинадан шакар чиқиб кета бошлайди ва у Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган кўйлакка айирбошланади. Савдонинг ривожланиши тез орада бу мамлакатлардаги нисбий нархларнинг бараварлашувига олиб келади.

Нисбий фойда қоидаси ҳар бир мамлакатни мавжуд ресурслардан тенг оқилона фойдаланишга имкон берадиган даражада ўз иқтисодиётини ихтисослаштиришга ва бошқа мамлакатлар билан товар айирбошлаш натижасида ўз фуқораларининг фаровонлигини энг юқори нуктага кўтаришга ундайди.¹

Хекшер – Олин назарияси. XX асрнинг биринчи чорагида Рикардонинг «нисбий чиқимлар» назариясида ўзгаришлар юз бериб, у швед иқтисодчи олимлари Эли Хекшер ва Бертиль Олинларнинг ишлаб чиқариш омиллари нисбатининг янги классик моделига айланди. Улар «ишлаб чиқариш омилларига борлиқ ҳолда нархларни тенглашиши» қоидасини олдинга суришган. Бунинг маъноси шундан иборатки, миллий ишлаб чиқаришдаги фарқлар ишлаб чиқаришнинг меҳнат, ер, капитал ва шунингдек, у ёки бу – маҳсулотга ички истеъмолдаги ўзгаришлар каби омилларга боғлиқ.

Уларнинг қоидаларидаги асосий вазиятлар қуйидагича келтирилган:

1. Мамлакатлар ўзларида ортиқча бўлган ишлаб чиқариши омилини кўп талаб қиладиган маҳсулотларни экспорт қилишади ва аксинча, ўзларида тақчил бўлган ишлаб чиқариш омилларини кўп талаб қиладиган маҳсулотларни импорт қиладилар. Халқаро савдо йўлидаги чеклашлар бекор қилинса, товарларнинг турли мамлакатлардаги «омил нархи» (таннархи)нинг тенглашиши каби ўзгаришлар кузатилади;

2. Маҳсулотлар экспорти ўрнини аста — секин ишлаб чиқариш омиллари экспорти эгаллайди.

¹ Манба: Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н. Оммабоп иқтисодиёт: моҳият ва асосий тушунчалар. Илмий-оммабоп нашр. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. - 83 б.

Агар мамлакатдаги бир ишлаб чиқариш омили миқдори билан бошқа омилар миқдори ўртасидаги нисбат бошқа мамлакатдагига нисбатан юқори бўлса, шу омил бу мамлакатда нисбатан ортиқча деб ҳисобланади.

Хекшер — Олин концепциясига асосан ташқи савдо қуйидаги кўринишларга эга: Фараз қилайлик, бир вақтда икки мамлакат, яъни «саноатлашган» ва «аграр» мамлакат фаолият кўрсатмоқда.

Саноатлашган мамлакатда ортиқча капитал ва маълум миқдорда ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлади. Аграр мамлакатда эса ортиқча ер мавжуд, аммо капитал етишмайди.

Айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда капитал асосий омил ҳисобланади. Масалан, нефтни қайта ишлаш, электрон машинасозлик ва машина ишлаб чиқариш соҳалари кам ишчи кучидан фойдаланган ҳолда капитал талабчан ишлаб чиқариш ҳисобланади. Капитал ортиқчалигига эга бўлган мамлакатлар айнан ушбу йўналишларга ихтисослашадилар. Шу билан бирга, дон етиштириш ва чорвачилик билан шуғулланадиган мамлакатларда кўпроқ ер ресурслари керак бўлади ва улар шу йўналишга ихтисослашган бўладилар.

Леонтьев парадокси. Бироқ орадан бир мунча вақт ўтгач, 50 йилларда, америкалик иқтисодчи В.Леонтьев мантиққа тўғри келмайдиган ғалати ҳодисаларни аниқлади. «Леонтьев парадокси» шундан иборат эдики, АҚШ капитал ортиқча бўлган мамлакат бўлишига қарамасдан 1947 йилда капитал талабчан эмас, балки меҳнат талабчан маҳсулот экспорт қилганлигини кўрсатиб берди. Яъни Хекшер — Олин концепциясига зид келадиган вазият юзага келди. Кейинги тадқиқотлар эса АҚШда капиталдан кўра ер ва илмий техник мутахассислар нисбий ортиқча эканлиги тасдиқланди. АҚШ ишлаб чиқарилишида айнан шу омилар кўпроқ фойдаланиладиган товарларнинг соф экспортёри бўлиб чиқди.¹

1948 йил америкалик иқтисодчилар П.Самуэльсон ва В.Столперлар Хекшер — Олин концепциясини такомиллаштиришди. Уларнинг назарияси

¹ Манба: Чжен А. Бозор ва очиқ иқтисодиёт. - Т.: "Бизнес каталог", 1996. - 16 б.

бўйича халқаро савдо — ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик даражасидан нотекислик, технологияларининг бир — бирига мослиги, рақобатнинг ривожланиши ва маҳсулотларнинг ҳаракатчанлиги каби шароитларда мамлакатлар ўртасидаги ишлаб чиқариш омиллари нархлари тенглашади.

Д.Рикардо моделида ишлаб чиқилган ва Э.Хекшер, Б.Олин, П.Самуэльсон ҳамда В.Столперлар томонидан тўлдирилган савдо концепциясига нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро фойдали савдони йўлга қўйиш, балки мамлакатлар ривожланиши ўртасидаги фарқларни камайтириш воситаси сифатида ҳам қаралади.

Халқаро савдонинг замонавий назариялари. Охирги ўн йилликларда жаҳон савдосида халқаро савдонинг классик назариялари билан тушунтириб бўлмайдиган сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Бундай вазиятнинг юзага келиши мавжуд назарияларни ривожлантиришни ва шунингдек муқобил назарий концепцияларни ишлаб чиқишга даъват этади.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назарияси. 60 йилларнинг ўрталарида америкалик иқтисодчи Р.Верной маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назариясини олға сурди. Ушбу назариясида Р.Верной тайёр маҳсулотлар жаҳон савдосининг ривожланишини уларнинг ҳаётий босқичлари асосида, яъни маҳсулот бозорда ҳаётга эга ва сотувчининг ўз мақсадларига эришишини таъминлаши вақт даври асосида тушунтиришга ҳаракат қилди.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври тўртта босқични ўз ичига олади, яъни тадбиқ этиш, ўсиш, етуклик ва пасайиш.

Биринчи босқичда мамлакат ичида юзага келган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда янги маҳсулотни ишлаб чиқариш юз беради. Шунинг учун Ушбу босқичда янги маҳсулотни ишлаб чиқариш кам серияли характерга эга бўлади, юқори малакали мутахассисларни талаб этади, ҳамда янгилик кашф этилган мамлакатда концентрацияланади. Ишлаб чиқарувчи эса деярли монопол мавқега эга бўлади ва маҳсулотнинг кичик қисмигина ташқи бозорга чиқарилади.

Етуклик даврида кўп серияли ишлаб чиқариш олдинги ўринга чиқади. Рақобат курашида эса нарх омили бирламчи аҳамият касб эта бошлайди. Ушбу босқичда бозорларнинг кенгайиб бориши ва технологиянинг тарқалиши натижасида янгилик кашф этилган мамлакат рақобат устунлигига эга бўлмай қолади. Ишлаб чиқариш ишчи кучи арзон бўлган ривожланаётган мамлакатларга кўча бошлайди. Стандартлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларида арзон ишчи кучидан самарали фойдаланиш мумкин.

Маҳсулот ҳаётийлик даври пасайиш босқичига ўтиши муносабати билан унга бўлган талаб қисқаради. Бу ҳолат айниқса ривожланган мамлакатларда кузатилади. Маҳсулотни ҳаётийлик даври пасайиш босқичига ўтиши муносабати билан унга бўлган талаб қисқаради. Бу ҳолат айниқса ривожланган мамлакатларда кузатилади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш, асосан ривожланаётган мамлакатларда тўпланади. Маҳсулот яратган мамлакат эса соф импортёрга айланади.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назарияси кўпчилик тармоқлар эволюциясини ифодалаб беради, аммо Ушбу назария халқаро савдо ривожини тенденцияларининг универсал таърифи ҳисобланмайди.¹

Миқёс таъсири назарияси. 80 — йилларнинг бошларида эса П.Крюгман, К.Ланкастер ва айрим бошқа иқтисодчилар классик назарияга муқобил равишда, миқёс таъсирига асосланган халқаро савдо назариясини таклиф этдилар. «Микроиқтисодиёт» курсидан яхши маълум бўлган миқёс таъсири тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, аниқ бир яратилган технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда маҳсулот чиқариш ҳажми ўсган сари узоқ муддатли ўртача ҳаражатлар қисқаради, яъни оммавий ишлаб чиқариш натижасида иқтисод қилиш ҳолати юзага келади.

Мазкур назария муаллифларининг нуқтаи назарига кўра кўпгина мамлакатлар (хусусан саноати ривожланган) асосий ишлаб чиқариш омиллари билан бир — бирига яқин бўлган нисбатда таъминланганлар. Ушбу

¹ Манба: Фомичев В.И. Международная торговля: Учебник; 2-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2001. стр. 9.

шароитда улар учун миқёс таъсирига эга тармоқларга ихтисослашган ҳолда ўзаро савдо алоқаларини йўлга қўйиш манфаатли ҳисобланади. Бундай ихтисослашиш ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, маҳсулотни энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришга ва натижада унинг нархи паст бўлишига имкон беради. Оммавий ишлаб чиқариш таъсири амалга ошириш учун етарли даражада кенг бозор талаб этилади. Халқаро савдо эса бунда хал қилувчи ролни ўйнайди. Чунки у маҳсулот сотилувчи бозорларни кенгайтиришига имкон яратади. Бошқа сўзлар билан айтганда, халқаро савдо ягона интеграциялашган бозорни вужудга келтиради ва бу эса ўз навбатида алоҳида олинган мамлакат бозоридан кўра истеъмолчиларга кўпроқ миқдордаги маҳсулотни арзонроқ нархда таклиф қилиш имкониятини яратади.

Бироқ, шулар билан бир қаторда миқёс таъсирининг амалга оширилиши соф рақобат муҳитининг бузулишига олиб келиши мумкин. Чунки у ишлаб чиқаришнинг концентратциялашуви, корхоналарнинг йириклашуви, уларнинг монополга айланиши билан боғлиқ.

Технологик ажралиш, ўсиш назарияси. Унга, асосан мамлакатлардаги илмий – техник ютуқларнинг бир маромда ривожланмаслиги сабабли, у ёки бу мамлакат ишлаб чиқариш тармоғида биринчи бўлиб қандайдир янгилик яратилиши кузатилади. Бунинг натижасида шу давлатлар яратилган Янги маҳсулот бўйича жаҳон бозорида монопол бўлиб, ўзи шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш имкониятига эга бўлади. Бу вазият мамлакатнинг ташқи савдосидаги ихтисослашувини ҳам ўзгартириши мумкин. Бунда шу давлатнинг ташқи савдода нисбий устунликка эга бўлган миллий товардан қисман ёки буткул воз кечишни рағбатлантириш орқали, жаҳонда тенги йўқ, бетакрор товарни ишлаб чиқишга ўтиши тушунилади.

Лекин мамлакат ташқи савдосининг янги технология натижасида янги, тенги йўқ маҳсулотга ихтисослашуви ўзининг анъанавий маҳсулот ихтисослашувига қараганда вақтинчалик ҳисобланади. Чунки бу технологияни бошқа мамлакатлар ҳам ўзлаштириб олганидан кейин, бу

маҳсулотни энди нисбий устунликка эга бўлган давлат ишлаб чиқара бошлайди.

Афзал кўришнинг ўхшашлиги назарияси. Олдин кўриб чиқилган ҳамма халқаро савдо назарияларини нисбий устунлик омили бўлиб, ишлаб чиқарувчилар ҳисобланиб келинган, чунки экспортга ихтисослашмоқчи бўлган ҳар бир давлат иложи борида кам ҳаражат қилиши керак.¹

Америкалик иқтисодчи олим С.Линдернинг фикрича, халқаро савдодаги саноат маҳсулотларининг оқими таклифга қараганда талабга кўпроқ боғлиқ бўлади. Унинг гипотезасига кўра, бир мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортименти шу мамлакат истеъмолчиларининг хилма – хил эҳтиёжларига тўғри келмайди. Халқаро савдо эса етишмаётган товар ассортиментини тўлғашишга ёрдам беради. Шу тахминга асосланган ҳолда, қайси давлатлар савдо ҳамкори бўлиш эҳтимолини кўрсатиш мумкин бўлади. Кўриниб турганидек, бу ерда яшаш даражаларининг яқинлиги ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бу давлат истеъмолчилар ўзлари истеъмол қилаётган товар ассортименти ва сифатига тўғри келадиган товарларни истеъмол қилишга интилишади, ва бу нима учун саноати ривожланган мам Бошқа назарий қарашлар ҳам мавжуд. Лекин улар орасидан, биринчидан, олимлар ва амалиётчилар ўртасида кенг тарқалгани, иккинчидан, макроиқтисодий тусдалиги ифодаланган ва, учинчидан, энг умумлашгани билан ажралиб турадиганларини олампиз.

Халқаро савдо мазмунига доир биз баён этган барча ёндашувларни анча осонлик билан дастлабки икки қарашга киритса бўлади. Зеро, мамлакатда ортиқча бўлган ресурслар сарфланадиган маҳсулот ҳам, товарнинг ҳаёт цикли ҳам, миқёс самаралари ҳам — уларнинг барчаси ишлаб чиқариш чиқимларига бевосита алоқадордир. Шунинг учун дастлабки икки қараш — энг универсал доктриналар бўлиб, қолганлари эса уларни аниқлаштириш ҳисобланади.

¹ Манба: Фомичев В.И. Международная торговля: Учебник; 2-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2001. стр. 9.

Шу вақтнинг ўзида ривожланган мамлакатлар даромадининг 20% ва ривожланаётган давлатлар даромадининг учдан бир қисми бевосита экспортга боғлиқ. Айрим баҳоларга биноан, дунёда қайта ишловчи саноатда банд аҳолининг 40% - 45% ва хизмат соҳасида банд аҳолининг 10-12% бевосита ёки билвосита ташқи савдо билан алоқадордир. Ташқи савдо эса, дунё миқёсидаги даромаднинг қайта тақсимланишининг асосий воситачиси бўлиб қолмоқда.¹

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланишида ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, мамлакатимиз экспорт ҳажмини янада ошириш ва таркибини яхшилаш муҳим омил бўлди.

Республикамизнинг ташқи савдо айланмаси 1990-2011 йиллар давомида 31,7 марта, жумладан, экспорт - 33,9 марта, импорт - қарийб 29 марта ошди. Натижада ташқи савдонинг ижобий сальдоси 56,6 марта ортди.² Ташқи савдо балансида муттасил ижобий сальдога эришиш мамлакатимиз олтин-валюта захираларининг ортишига ва миллий валютаимиз барқарорлигининг таъминланишига олиб келди, хорижий валюта талаб этадиган йирик инвестиция дастурларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтди. Хусусан, инвестиция дастурларини молиялаштиришда роли ўсиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси капиталининг 2012 йил бошига келиб 9 миллиард доллардан

¹ Манба: Осьмова М. Н. ва бошқалар. Глобализация мировой экономики и устойчивое развития как императив современного этапа человеческой цивилизации. М.: ТЕИС, 2008 39-40 б.

² Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 160 бет.

ошиб кетишида ташқи савдода ижобий сальдога эришилаётгани асосий роль ўйнади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабабли ташқи бозорда мамлакатимиз корхоналари экспорт қиладиган асосий маҳсулотларга талаб камайганига қарамасдан 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурига кўра экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида кейинги йиларда мамлакатимиз экспорт ҳажми барқарор ўсиб бормоқда. 2011 йилда “Экспорт тарибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийиб 46 фоизни ташкил этган эди”.¹

Мустақилликдан кейинги даврда бу соҳада улкан ютуқларга эришганимиз мамлакатимиз президенти ва ҳукуматимизнинг самарали олиб бораётган иқтисодий ислохотлари бўлаётганини аълоҳида таъкидлаш лозим бўлинг исботини қуйида келтирилган расмдаги маълумотларидан ҳам кўришингиз мумкин. Бозор муносабатларига ўтган мамлакатлар учун ташқи иқтисодий фаолиятга ташқи савдо алоқалари ривожланиб, такомиллашиб борган сари мамлакатлараро иқтисодий муносабатларнинг доираси ва қўлами ҳам кенгая боради. Мамлакат иқтисодиётининг умумжаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви (қўшилиши)нинг асосий шарти ҳам ташқи савдо алоқаларининг ривожланишидир. Ташқи савдо алоқалари деганда мамлакатдаги ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатларнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслари ҳамда халқаро ташкилотлар билан олиб бориладиган ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалари (фаолияти), тушунилади.² Ташқи савдо алоқаларининг ривожланганлик даражаси асосан мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасига, давлатнинг ташқи сиёсати ва стратегиясига бевосита боғлиқдир.

¹Манба:Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади./Халқ сўзи, 2012 й., 21 январь.

² Манба:<http://www.businessweek.com>

Шу билан биргаликда ташқи савдо алоқаларига таъсир кўрсатувчи бир катор омиллар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг табиий – иқлимий шароитлари;
- мамлакатнинг индустриал тараққиёт даражаси;
- ишлаб чиқаришнинг илмий – техникавий ва технологик салоҳияти;
- мамлакатдаги демократик вазият ва ақлий салоҳият;
- халқ менталитети ва миллий анъаналари;
- аҳолининг харид қобилияти.

Ҳар қандай давлат ҳам ўзининг ташқи савдо алоқалари стратегияси ва йўналишларини ўзининг ҳаётий эҳтиёжларидан, мамлакатнинг муҳофаа ҳавфсизлиги манфаатларидан ва ниҳоят, ўз халқининг турмуш даражасини ошириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Ягона - интеграцияланган бозорнинг шаклланиши шунга олиб келадики, истеъмолчиларга кўп микдордаги маҳсулот анча паст нархларда таклиф қилинади. Шу тариқа микроиктисодий муаммолар макроиктисодий даражага ўтади. Ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси бўлган фирманинг даромади миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграцияланиш даражасига боғлиқдир.

Ўзбекистон республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятдан самарали фойдаланишга, амалдаги шарт – шароитлардан келиб чиқиб, бойликларни самарали фойдаланишга, амалдаги шарт – шароитлардан келиб чиқиб, бойликларни самарали жойлаштириш ва шу йўл билан республика иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Бошқа назарий карашлар ҳам мавжуд. Лекин улар орасидан,

биринчидан, олимлар ва амалиётчилар ўртасида кенг тарқалгани, иккинчидан, макроиктисодий тусдалиги ифодаланган ва, учинчидан, энг умумлашгани билан ажралиб турадиганларини оламиз.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир канча шакллари мавжуд. Улар қуйидаги чизмада акс эттирилган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари.¹

1.1.2-чизма.



Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо алоқалари давлат томонидан тартибга солинади. Бунинг учун авваламбор бу фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш, уни ривожланган мамлакатларда амал қилувчи қонунчиликка тобора мувофиқлаштириб бориш ўта муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги қонуни ҳам республика мустақиллиги эълон қилинмаган бир пайтда, яъни 1991 йилнинг 14 июнида қабул қилинган эди. Ана шу ҳолнинг ўзи ташқи савдо алоқаларининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролига берилган катта баҳо эди.

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 78 бет.

Мамлакат тараққиётининг ҳар бир босқичида унинг ўз олдига қўйган вазифалари мавжуд бўлиб, давлатнинг иқтисодий сиёсати бу вазифаларни бажарилишига қаратилмоғи керак.¹

90 – йиллар Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг дастлабки босқичи ҳисобланади ва давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатининг мақсадлари шу даврнинг ўзига хос хусусиятларига мос келиши керак. Улар орасида энг муҳимлари қуйидагилар:

- экспортни ривожлантириш ва унинг тузилишини яхшилаш. Чунки экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш миллий ишлаб чиқаришни техник – иқтисодий жиҳатдан жаҳон даражасига кўтаради, унинг тузилишини такомиллаштиради, республика валюта захираларини кўпайтиради;
- импорт тузилишини такомиллаштириш, яъни уни миллий ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва кенгайтиришга қаратиш, собиқ Иттифоқ импорт сиёсатида бўлган камчилик, хатоларни бартараф этиш;
- ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш учун чет эл инвестицияларини жалб этиш.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, яъни импорт операциялари, валютани олиб чиқиш бошқа халқаро битимлар устидан давлат назоратини ўрнатиш. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсати аниқ белгиланган мақсадлар ва уларни амалга оширишга қаратилган асосий тадбирларни ўз ичига олади.

Биринчидан, республика миллий иқтисодиётининг кучли экспорт бўғинини ташкил этувчи ва уни жаҳон бозорида муносиб ўринга эга бўлишини таъминловчи соҳаларини аниқлаш.

¹ Манба: Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. /Халқ сўзи, 2012 й., 21 январь.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг экспорт бўғинида давлат томонидан қўллаб – қувватлаш усулларида кенг фойдаланиш.

Шу билан бирга, ташқи иқтисодий сиёсат миллий валютани мустаҳкамлаш ва уни бошқа валюталарга эркин алмашувини таъминлашни, ички нархларни жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш мақсадида баҳолар ислохотини тугаллашни, ташқи савдо алоқаларнинг меъёрий ва ҳуқуқий асосларини халқаро талаблар даражасига етказишни назарда тутди.

Ташқи савдога таъсир этиш таянчларидан рақобатбардошли иқтисодиётга эга давлатлар ҳам, миллий ҳўжалиги жаҳон бозоридаги каттик рақобатга етарли даражада тайёр бўлмаган мамлакатлар ҳам фойдаланади. Айниқса янги давлат томонидан қўллаб – қувватлаш чораларига ёки кучли давлат ташқи иқтисодий сиёсатига муҳтождир.¹

Ташқи иқтисодий сиёсат - бу ташқи савдо соҳасида мамлакатнинг жорий ва стратегик мақсадларига мувофиқ давлат томонидан амалга ошириладиган чора – тадбирлар мажмуасидир.

Ҳар томонлама пухта ўйланган ташқи иқтисодий сиёсат кўпчилик давлатлар иқтисодиётини тиклашда ва кўтаришда, айниқса урушдан кейинги даврда муҳим омил бўлди. Бирор бир давлатнинг ўз миллий ишлаб чиқаришини чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсат протекционизм деб аталади. Гарчи иккинчи жаҳон урушидан кейинги халқаро иқтисодий муносабатларда протекционизмдан ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш томонга ўтиш кузатилган бўлсада, шунга қарамасдан протекционизм то ҳозирги вақтгача барча давлатларда иқтисодий сиёсатнинг қуроли сифатида қўлланилиб келинмоқда. Давлат томонидан эркин халқаро айирбошлаш йўлида маълум тўсиқлар қўйилади, божхона тарифлари, квоталар, лицензиялаш ва бошқалар.

¹ Манба: А.А.Набихўжаев “Молиявий дастурлаш” махсус курси бўйича ўқув қўлланмаси – Тошкент: Академнашр. - 2010. – 103 бет.

Буни қуйидаги миллий манфаатларни ҳимоя қилиш зарурияти деб асослайди: Мамлакат мудофаа қобилиятини таъминлаш, иш билан бандликни ошириш, янги илғор тармоқларни ҳимоя қилиш ва бошқалар.

Импорт — товарлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан уларга доир ғавқулодда ҳуқуқларни божхона ҳудудига қайтариб олиб чиқиш мажбуриятсиз олиб келишдир. Импорт факти товар божхона чегарасини кесиб ўтган, хизматлар ва интеллектуал фаолият натижаларига доир ҳуқуқлар олинган пайтда қайд этилади. Импорт CIF нархларида ҳисобланади, бунинг натижасида у экспорт қийматидан ошади. CIF (ингл. CIF -cost, insurance and freight) — етказиб бериш шарти бўлиб, унга кўра сотувчи товарни тайинланган пунктга (одатда, импортёр мамлакатадаги портга) етказиб бериш ҳақи ва ташиш вақтида товарни суғурталаш харажатларини тўлайди. Шу сабабли CIF нархи ўз ичига товар қиймати, унинг фрахти ва суғурталанишига доир харажатларни олади.

Тартибга солишнинг билвосита иқтисодий усулларига халқаро айирбошлашда қатнашувчиларнинг манфаатларига (даромад, фойда миқдорида уларни тақсимланиш хусусиятларига, битим шартларига ва уларни ўтказиш муддатларига ва хоказоларга) эгилувчан таъсир этувчи усуллар киради. Бу усуллар у ёки бу хатти – ҳаракатни танлашга маълум имконият беради. Шунинг учун ҳам уларни эгилувчан деб аталади. Буларга божхона божлари, тарифлари, ташқи савдога турли солиқлар, валюта тушумларидан ажратмалар миқдори, халқаро операцияларни кредитлаш ва суғурталашнинг фоиз ставкалари ва бошқалар киради.

Бевосита усуллар мажбурий, руҳсат бериш – таъқиқлаш хусусиятига эга бўлиб, халқаро айирбошлашда иштирок этувчиларнинг хатти – ҳаракатларини қатъий тартибга солади. Уларга лицензиялаш, квоталаш, маҳсулотлар баённомаси, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини рўйхатга олиш ва тартибга солиш нотариф усулларини қўшиш мумкин. Бир

катор ҳукукий чора – тадбирлар ҳам бевосита тартибга солиш усулларига киради.¹

Халқаро савдони тартибга солиш амалиётида бевосита усуллар ҳам, билвосита усуллар ҳам қўлланилади. Уларнинг ўзаро нисбати ёки бу мамлакатдаги ҳўжалик юритишнинг моделига, ташқи савдонинг хусусиятига, маълум даврдаги мақсад ва вазифаларига боғлиқдир.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичидаёқ ташқи савдо фаолиятни эркинлаштириш ва тартибга солишнинг устун даражада билвосита иқтисодий усулларига ўтиш жараёнлари бошланди.

Жаҳон тажрибаси ҳамда ўз миллий иқтисодиёти тараққиётининг шарт – шароитларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон мустақилликка эришганининг биринчи кунларидан бошлаб, ташқи иқтисодий соҳасида аниқ йўналишларни белгилаш бўйича амалий тадбирлар белгилади.

Бу йўналишлар давлатнинг асосий дастурий ҳужжатларидан акс эттирилган ва республиканинг тегишли қонунларида мустаҳкамлаб қўйилади. Ташқи савдо соҳасидаги мўлжалланган мақсадларга эришиш Ўзбекистон халқаро иқтисодий, ҳамкорликда қатнашишдан келадиган афзалликлардан мумкин қадар кўпроқ амалда фойдаланиш имконини беради. Бу афзалликлар – товар ва хизматларнинг ички ва ташқи нархлари ўртасидаги фарқ маҳсулот ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтириш, илғор хорижий фан – техника тажрибасидан фойдаланиш ва чет эл капиталларини жалб этиш ҳисобига миллий иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборат. Дунё алоқаларида давлатлараро капитални тақсимлаш иқтисодий ўсишнинг фаол омили бўлиб хизмат қилади. Иқтисод байналмилаллашган сари капитал фаолияти миллий доирадан чиқиб халқаро мазмун касб этади. Мамлакатлараро капитал экспорти юз беради. Жаҳон ҳўжалиги ривожининг дастлабки пайтларида капитал саноати ривожланган мамлакатлардан чиқиб, қолоқ мамлакатлар томон йўналтирилган. Дунё алоқалари цивилизациялашган сари капитал

¹ Манба: А.А.Набиҳўжаев “Молиявий дастурлаш” махсус курси бўйича ўқув қўлланмаси – Тошкент: Академнашр. - 2010. – 104 бет.

харакати умумжаҳон доирасида юз бериб, унинг оқими ҳар тарафлама бўлади. Ривожланган мамлакатлар ўртасида ҳам капитал экспорти пайдо бўлади. Хатто капитал кам ривожланган давлатлардан илғор мамлакатларга ҳам ўтади. Пул жамғармаларнинг инвестицияларга айланиши капиталнинг халқаро миқёсда кўчиб юришини билдиради.

1.2 Саноат корхоналарида экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожланиш тенденциялари.

Республикамизда саноат корхоналари фаолиятининг қонуний – ҳуқуқий асослари шакллантирилди, натижада 2011 йилнинг 1 январ шароитига республикамизда 3 700 дан ортиқ турли хил мулкчилик шаклига ега бўлган корхоналар фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси истеъмол бозорини тўйинтириш, ҳамда экспорт боп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва чет давлатларига экспорт қилишдан иборат. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳисобига амалда шаклланган жамғармаларнинг умумий миқдори 2011 йил бошида 1 067,2 млрд АҚШ долларини ташкил қилди. Қўшма корхоналар жамғармасига асосий қўйилмалар (60 % дан ортиқ) жиҳозлар, технологиялар ва бошқа материаллар активлар кўринишида амалга оширилди, қолган қисми асосан, пул тушумлари кўринишида бўлди.

Қўшма корхоналар ходимлари сони ўрганилаётган даврда 28,2 %га кўпайди. 2011 йилда қўшма корхоналар томонидан 5 455,5 млрд сўмлик товар, ва хизмалар ишлаб чиқарилди. Бу республика 2011 йилда комплекс бўйича жами 2 триллион 937 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга катта улуш қўшганидан далолат беради.

Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутди. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган эркин шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга барқарор қизиқишини

уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвестицияларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Айни вақтда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олмоқда:

- корхонани ташкил этиш сабабларини инобатга олиш;
- ишончли шерик танлаш
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул қилиш.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози оқибатларининг кўплаб давлатлар, шу жумладан, бизнинг мамлакатимизга ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамасдан, юртимиз 2010 йилда иқтисодий ривожланиш борасида улкан аҳамиятга молик ютиқларни қўлга киритди. Бунда 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чора – тадбирлар дастурининг энг муҳим йўналишларини тўлиқ қамраб олгани ҳамда барча соҳа ва тармоқлар бўйича белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилгани муваффақиятлар гарови бўлди

Ҳар қандай компаниянинг иш фаолиятини ташкил этишда энг аввало, унинг ишлаб чиқариши лозим бўлган товарларига ёки хизматларига харидорларнинг эҳтиёжи, уларнинг имкониятлари, келажак истикболи, тизимли ва ҳар томонлама ёндашилади ва ўрганилади. Бу эса мураккаб ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, товарлар ва хизматлар ассортиментни режалаштириш, реклама ишларини бошқариш каби ишлар билан шуғулланувчи махсус маркетинг хизматини ташкил қилишни тақозо қилади.

Ишлаб чиқариш устиворлигига мўлжалланган сиёсат юритувчи корхона бошқариш органларининг ташкилий таркибида инженер – техник ходимлар асосий буғин ҳисобланади. Маркетингли ёндашишда эса асосий ҳал қилувчи таркиб маркетинг ходимлари ҳисобланади. Чет элдаги йирик корхоналар бошқарув таркибида бошқа бўлимларга нисбатан кўп ходимларга эга бўлган алоҳида маркетинг бўлимлари ва сотишни бошқариш бўлимлари

тузилган. Корхоналарни ташкилий таркибида маркетинг хизматининг тўртта махсус бўлими мавжуд:

- ходимлар ишини тайёрлаш ва ташкил қилиш, сотиш миқдори ва таркибини таъминлаш ва ривожлантириш, сақлаш ва ташиш, статистик ҳисобот ва таҳлил каби вазифаларни бажарувчи сотиш бўлими;
- реклама қилиш, жамоат билан алоқа (паблик рилейшнз), сотишни рағбатлантириш каби вазифаларни бажарувчи реклама ва сотишни рағбатлантириш бўлими;
- маълумот – библиотека, ахборот тадқиқот хизматларини ўз ичига олувчи, бозорда тадқиқот бўлими;
- товар ассортиментини, баҳосини, қадоқлаш ва техник хизмат кўрсатиш талабларини ўрганувчи, ассортиментни ривожлантириш бўлими.

Бу таркиб корхона фаолиятининг йўналишидан ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўз индивидуал кўринишга эга бўлади.

Мамлакатни модернизация қилиш ва таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш жараёнида корхоналарда тижорат бўлимлари ташкил қилинмоқда. Унга корхона раҳбарининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари раҳбарлик қилмоқда. Бундай бўлимлар илгари ҳам мавжуд эди, лекин улар фақатгина узоқ муддатли шартномалар тузиш билан банд бўлиб, умуман маркетинг муаммолари билан шуғулланмас эдилар. Бозор шароитида талабни ўрганиш, истиқболлаш ва ташкил қилиш савдо ташкилотларининг вазифаси бўлмай қолади. Товар ишлаб чиқарувчи корхона ҳам реклама билан, бозорни ўрганиш билан, бозор баҳоларини аниқлаш билан, географик, ёшига нисбатан ва бошқа мезонларга асосланиб, бозорни сегментлаш билан шуғулланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, агар илгари харидорларни ўрганиш фақат савдо ташкилотларини вазифаси саналган бўлса, маркетингли

ёндашишда товар ишлаб чиқарувчилар ҳам харидорни ўрганишга ҳаракат қиладилар.

Товарлар тамойили бўйича ташкил этиш. Бунда функционал тамойилларга, яна ҳар бир товар маркаси учун бошқарувчилар қўшилади.

Бозор тамойили бўйича ташкил этиш. Бунда функционал тамойилларга, яна ҳар бир ҳудуд бозорлари ва истеъмолчилар тури бўйича бошқарувчилар қўшилади.

Мамлакат ички бозорини шакллантириш ва Ўзбекистон иқтисодиётини қайта қуриш жаҳон ҳўжалигига бирлашишга интилиш жараёни билан узвий боғлиқдир. Бунда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига хос моделлар, иқтисодий муаммоларни бартараф этиш тажрибалари ва ютуқлари ички иқтисодиётнинг юксалишида муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Давлат томонидан ташқи иқтисодий алоқаларни фаол тартибга солиш узининг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаётган давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади. Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатти қўп жихатдан унинг тулов баланси ҳолатига боғлиқ бўлади. Ташқи иқтисодий сиёсатт вақт ва макон жихатларини – жорий ва узок муддатли сиёсаттни уз ичига олади. Жорий ташқи иқтисодий сиёсатт ташқи иқтисодий фаолиятни тезкор тарзда тартибга солишдан иборат, узок муддатли сиёсатт эса йирик микесдаги вазифаларни ҳал этади.

Экспортга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалиги тизимида интеграциялашуви муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатда қайта ишланадиган маҳсулотлар экспортининг асосий улуши айнан МДҲ мамлакатларига тўғри келаётганлиги боис, Ўзбекистоннинг минтақа кўламидаги ҳамда МДҲ доирасидаги интеграция жараёнларида фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. МДҲ доирасида қўшма корхоналар ва саноат

гурухларини ташқил этишда ўзаро ҳамкорликларнинг йўлга қўйилиши, амалда экспортга йўналтирилган соҳаларни қўллаб-қувватлаган бўлур эди. Чунки, айнан, шундай ҳамкорликларнинг йўлга қўйилиши, экспортёрлар йўлида турган божхона ва бошқа тўсикларни бартараф қилишда муҳим рол ўйнаши мумкиндир.

2-боб. Наманган вилояти саноат корхоналарида экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳолати.

2.1. “МЕХМАШ” ОАЖда маҳсулотлар ишлаб чиқариш таҳлили.

Хозирги кунда жамият пўлат қувурлар ва бошқа турдаги металлоконструкциялар ишлаб чиқариш бўйича етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Жамият томонидан қуйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган:

Чокли пўлат қувурлар;

Автоматлаштирилган саноат ва уй иссиқхона мажмуалари;

Инкубаторлар;

Турли қишлоқ ҳўжалик техника воситалари;

Зараркунанда хашаротларга қарши кураш биолоботориялари;

Ва бошқа турдаги металл маҳсулотлар;

Бугунги кунда ишлаб чиқариш жараёни мустахкам алгоритмга асосланган, ҳар бир ишлаб чиқариш ҳудудида сермахсул ва сифатли иш учун қулай шароитлар яратилган. Ишлаб чиқариш жараёни лойиҳалаштиришдан бошланади. Буюртмачини талабини қондириш учун жамиятда янги конструктив шакл ва элементлар устида доимо ишловчи юқори малакали лойиҳаловчи муҳандислар гуруҳи иш олиб боради. Лойиҳалаштириш замонавий ускуналарда ихтисослашган компьютер дастурлар ёрдамида амалга оширилади. Завод ўз ихтиёрида ҳар қанадай оғир ва ҳажмли буюртмани ўз вақтида ва юқори техник даражада бажариш учун етарли ишлаб чиқариш қувватига эга. Заводнинг умумий майдони 4га бўлиб, ундан 19000м² ни ишлаб чиқариш бинолари эгаллайди.

Жамият муҳандис-техник жамоаси 30 дан ортиқ тажрибали мутахассис, конструкторлар, технологлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этувчи ходимлардан иборат. Ишлаб чиқариш цехлари ҳар бири юк олуви 5 дан 35 тоннагача бўлган козловой кранлар билан жиҳозланган. Компания таркибига қуйидаги бўлимлар киради:

Таййерлаш ҳудуди – кесиш ва бошқа таййерлов ишлари учун зарур бўлган ускуналар билан жиҳозланган: лист ва фасон учун қайчилар, лента арра, термик ва плазмали кесиш учун сонли дастурий бошқарув аппаратлари ва бошқа ускуналар.

Бўёққа таййерлов майдони – қумпуркагичли ускуна билан жиҳозланган;

Бўёқ майдони – ҳаво ва ҳаво босимсиз бўяш аппаратлари билан жиҳозланган.

ТНБ – таййёрлаш жараёни ва жамият томондан ишлаб чиқарилган хар бир металлоконструкция сифатини назорат қилади. Пайвандалашдан сўнг қувурларни пайвандланган чоклари дефектоскопда компьютер назоратидан ўтади.

Металл ва таййер маҳсулот омбори иккита 7 тонналик козловой кран ва учта 20 тонналик кўприк крани билан жиҳозланган.

Лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришдан ташқари жамият металлоконструкцияларни сифатли монтаж ишларини олиб боради. Малакали техник мутахассислар монтаж ишларини энг қисқа муддат ичида амалга оширадилар, бунинг учун бизда керакли ихтисослашган техника воситалари мавжуд. Монтаж сифати ускунани ишлатиш муддати ва инсонларнинг хавфсизлиги билан боғлиқ, шунинг учун қурилиш монтаж ишларига қаттиқ талаб қўйилган. Завод шунингдек ностандарт буюмларни ишлаб чиқаришга буюртма олади. Уларни ишлаб чиқаришда энг масулиятли иш босқичи бу конструктор ва лойиҳаловчиларнинг ишидир. Заводнинг конструктор бюросини мутахассисларини тажриба ва профессионалиги туфайли жамият мураккаб қурилиш металлоконструкцияларини кейинчалик ишлаб чиқариш ва ишга тушириш учун лойиҳалаштиришни амалга оширмоқда. Жамиятда ностандарт металлоконструкцияларни поликарбонат, шиша, дарахт ва бошқа материаллар билан биргаликда ишланган ҳолатда буюртма бериш имконияти мавжуд.

“Мехмаш” ОАЖнинг таркиби тўғрисида маълумот

2.1.1-жадвал

Балансинг активи	Йил бошига		Йил охирига		Фарқ		Ўсиш суръати
	Минг сўм	Жамига нисбатан % да	Минг сўм	Жамига Нисбатан % да	Минг сўм	%	%
Асосий воситалар ва обаротдан ташқари активлар (қолдиқ баҳода)	3466465	8.50	2818600	7.27	-647865	-1.23	81.31
Айланма маблағлар шу жумладан;	36597725	89.8	34907553	90.15	-1690172	0.35	95.38

Заҳира ва харажат	8450029	20.73	11558199	29.85	3108170	9.12	136.78
Пул маблағлари ҳисоб-китоб ва бошқа активлар	22470639	55.13	17227344	44.49	-5243295	-10.64	76.66
Жами мулк	40752852	100	38720899	100	-	-	-

Манба: "Мехмаш" ОАЖ маълумотлари асосида тайёрланган

2.2.1-жадвалда "Мехмаш" ОАЖнинг таркиби тўғрисида маълумотлар акс эттирилган. 2012 йил бошида асосий воситалар ва абортдан ташқари активлар йил бошида 3466465 минг сўмни, йил якунида эса 2818600 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йиллар орасидаги фарқ – 647865 минг сўмни ташкил этган. Ўсиш сурати эса 81,31 % га тенг. Айланма маблағларда ҳам салбий томонга ўсишни кўришимиз мумкин, яъни айланма маблағлар йил бошига 36597725 минг сўмни, йил охирига эса 34907553 минг сўмни ташкил этиб, улар орасидаги фарқ эса – 1690172 минг сўмдир. Ўсиш суръати эса 95,38 % ни ташкил этган. Лекин заҳира ва харажатлар йил бошига нисбатан йил охирида 3108170 минг сўмга ўсган, ўсиш суръати эса 136,78 % ни ташкил этган. Пул маблағлари, ҳисоб-китоб ва бошқа активларда ҳам камайиш кузатилган, яъни йил бошига нисбатан йил охирида – 5243295 минг сўмга камайган. Ўсиш суръати эса 76,66 % ни ташкил этган.

2010 йилда корхона томонидан инкубаторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Хажми 700дан 1056тагача товуқ тухуми сиғадиган инкубаторлар намлик даражаси, ҳарорат ва тухумларни тўнтарилишини тартибга солиш автоматик системалари билан жиҳозланган. Ҳозирги кунда фермер ва тадбиркорлар орасида ушбу маҳсулотга бўлган талаб ошиб бормоқда.

“МЕХМАШ” ОАЖ да маҳсулот сотиш рентабеллиги таҳлили тўғрисида маълумот

2.1.2-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Жорий йил	Ўтган йилнинг жорий йилга нисбатан ўсиши
---	--------------	-----------	-----------	--


1.	Сотишдан тушим (минг сўм)	23424761	40050933	16626172
2.	Ялпи фойда (минг сўм)	4354852	9442446	5087594
3.	Сотиш рентабеллиги %	1.85	23.57	21.72

Манба: ”Мехмаш” ОАЖ нинг 2012 йил “молиявий натижалар” тўғрисидаги хисоботи

2.1.2-жадвалда МЕХМАШ” ОАЖ да маҳсулот сотиш рентабеллиги тахлили тўғрисида маълумот акс эттирилган. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга уларни сотиш муҳим аҳамият касб этади. Шу асосда корхонанинг сотиш рентабеллиги доимий тахлил этиб борилади. Корхона 2012-йилда 40050933 минг сўм маҳсулот сотишдан тушум қилган. Бу ўтган йилга нисбатан 16626172 минг сўм ортиқ демакдир. Ялпи фойда эса 2012-йилда 9442446 минг сўмни ташкил этиб, сотиш рентабеллиги 23,57 % га тенг бўлган.

“МЕХМАШ” ОАЖ да маҳсулот сотишдан соф тушум ва соф фойданинг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси (минг сўм)

2.1.1-чизма



2.1.1-чизмада “МЕХМАШ” ОАЖ да маҳсулот сотишдан соф тушум ва соф фойданинг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси тўғрисида маълумот акс эттирилган. Ўтган йиллар давомида жамиятнинг маҳсулот сотишдан соф тушум кўпайиб борганини кўрамиз. Жамиятнинг соф фойдаси эса йиллар

давомида аста-секинлик билан кўпайиб борганлигини кўрамиз. 2010 йилда махсулот сотишдан соф тушум 1282237,9 сўм, 2011 йилда 23526420 сўм, 2012 йилда эса 40050933 сўмни ташкил этган. 2012 йилда 2010 йилга нисбатан жамиятнинг махсулот сотишдан соф тушумдаги ўзгариш 38768696 сўмга кўпайганини кўрамиз. Жамиятнинг соф фойдаси 2010 йилда 160641,5 сўм, 2011 йилда 1537162 сўм, 2012 йилда 4958012 сўмни ташкил этди. 2012 йилда 2010 йилга нисбатан соф фойда 4797370,5 сўмга кўпайганини кўрамиз

“МЕХМАШ” ОАЖнинг даромадлари тўғрисида маълумот

2.1.3-жадвал

Минг сўм

№	Кўрсаткичлар	2010	2011	2011-2010 йилга нисбатан ўзгариш (+;-)
1	Махсулотларни сотишдан соф тушум	4854854,8	1282237,9	-3572616,9
2	Махсулотларни сотишдан ялпи foyдаси	2349248,6	583054,9	-1766193,7
3	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	15634,0	99933,0	+84299
4	Асосий фаолиятнинг foyдаси	2154103,1	190017,2	-1964085,9
5	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	14166,8	50739,3	-1365868,7
6	Дивидендлар шаклидаги даромадлари	27,0	6,8	-20,2
7	Фоиш шаклидаги даромадлари	0,0	1743,5	+1743,5
8	Валютанинг курс фарқидан даромадлари	14106,0	33600,0	+19494
9	Даромад солиғи тўлангунга қадар foyда	2149501,7	235869,5	-1913631,5
10	Хисобот даврининг соф foyдаси	1808414,4	160641,5	-1647772,9

Манба: ““МЕХМАШ” ОАЖ маълумотлари асосида

2.1.3-жадвалда “МЕХМАШ” ОАЖнинг даромадлари тўғрисида маълумот акс эттирилган. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўрадиган бўлсак, 2011 йилда жамият асосан фоиз шаклидаги, валюта курси фарқидан, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ҳисобига ўз даромадларини оширган. Лекин жамиятнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари бўлган маҳсулотларни сотишдан соф тушум, маҳсулотларни сотишдан ялпи фойдаси, асосий фаолиятнинг фойдаси каби кўрсаткичлар бўйича ўз даромадларини ўтган йилларга нисбатан ошира олмаган.

“МЕХМАШ” ОАЖнинг харажатлари тўғрисида маълумот

**2.1.4-жадвал
Минг сўм**

№	Кўрсаткичлар	2010	2011	2011-2010 га нисбатан ўзгариш (+;-)
1	Сотилган маҳсулотларнинг таннари	2505606,2	699183,0	-1806423
2	Давр харажатлари	210779,5	492970,7	+2821912
3	Сотиш харажатлари	68426,6	34342,6	-34084
4	Маъмурий харажатлари	76455,5	301226,8	+235329,4
5	Бошқа операцион харажатлар	65897,4	157401,3	+91503,9
6	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	18768,2	4887,0	-13881,2
7	Фоиз шаклидаги харажатлар	0,0	4887,0	+4887,0
8	Даромад солиғи	341087,3	75228,0	-265859,3

Манба: “Мехмаш” ОАЖ маълумотлари асосида

2.1.4-жадвалда “МЕХМАШ” ОАЖнинг харажатлари тўғрисида маълумотлари акс эттирилган. Жамият ўз фаолиятини олиб бориш даврида кўплаб кўрсаткичлар бўйича ўз харажатлари камайтира олган. Сотилган маҳсулотларнинг таннари 2010 йилда 2505606,2 сўм, 2011 йилда 699183,0 сўмни ташкил этган. Ўтган йилга нисбатан таннарх 1806423 сўмга камайган. Жамиятнинг давр харажатлари эса 2010 йилда 210779,5 сўмни, 2011 йилда эса 492970,7 сўмни ташкил этган. Ўтган йилга нисбатан эса давр харажатлари 2821912 сўмга кўпайган. Шунингдек маъмурий харажатлар ва фоиз шаклидаги харажатлари ҳам бироз кўпайганини кўрамиз. Жамият томонидан харажатларни камайтириш бўйича бир қатор ишлар қилинмоқда.

“МЕХМАШ” ОАЖда молиявий натижалар тўғрисида маълумот

2.1.5-жадвал

№	Асосий иқтисодий молиявий кўрсаткичлар	у/б	2010 йил	2011 йил	2012 йил
			Факт	Факт	Факт
1	Махсулот сотишдан тушум	Млн сум	20034,89	23424,76	39651,14
2	Соф фойда	Млн сум	789,56	1646,64	4845,61
3	Жами махсулот ишлаб чиқариш	Млн сум	19038,70	26955,64	40142,73
4	Бир киши ҳисобига ўртача меҳнат унумдорлиги	Млн сум	211,54	359,41	495,59
5	Ўртача рентабеллик даражаси	%	3,9	7,0	12,2
6	Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси	%	71,9	66,7	67,1
7	Ўртача ишловчилар сони	киши	90	75	81

Манба: “Мехмаш” ОАЖ маълумотлари асосида тайёрланган.

2.1.5-жадвал маълумотларига кўра корхона 2010-2012 йилларда иқтисодий ўсишга эришган. 2012 йилда корхонада махсулот сотишдан тушум 39651,14 млн сўмни ташкил этган. Бу эса 2011-йилга нисбатан 16226,38 млн, 2010-йилга нисбатан эса 19616,25 млн сўмга ортиқ демакдир. Соф фойда эса 2012-йилда 4845,61 млн сўмни ташкил этган ва 2010, 2011-йилларга нисбатан ўсишга эришилган.

2.2. Экспортбоб махсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарини ривожланишига ҳукуратимиз томонидан яратилган имкониятлар

Ўзбекистон Республикасида экспорт қилувчилар учун кенг имтиёзлар ва преференциялар тизими амалиётга жорий этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги хорижга экспорт қилувчилар учун қуйидаги имтиёзларни тақдим этади:

- Қўшилган қиймат солиғига имтиёзлар;
- Акциз солиғига имтиёзлар;
- Даромад солиғига имтиёзлар;
- Мулк солиғига имтиёзлар;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 212-моддасига асосан товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш оборотига нол` даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади, яъни бу экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган моддий ресурслар учун қўшилган қиймат солиғи суммасини тўлашдан озод этилишини англатади.

Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

- акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

- кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан "божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга; (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 230-модда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги ПФ-2613-сонли "Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Фармониға мувофиқ, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, уларни мулкчилик шаклидан қатъий назар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, амалдаги солиқ имтиёзларини тартибга солиш ва экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпай-тиришга шундай имтиёзларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғини тўлаш тартиби умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютаға сотилган товарлар, ишлар, хизматлар экспорти-даги (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган жойдан қатъий назар) улушиға боғлиқ ҳолда қуйидагича белгиланган:

- экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида - белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи ставкалари 30 фоизга камайтирилади;

- экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида - белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Мазкур имтиёзлар эркин алмаштириладиган валютаға хом ашё маҳсулотлари - пахта толаси, ип газлама калаваси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металллар экспорт қилувчи савдо-воситачилик корхоналарига, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ қилинмайди.

Микро фирма ва кичик корхоналар, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар экспортдан олинган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод этилади, табиий газ экспорти ва транзитини амалга оширувчи корхоналар бундан мустасно. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли Қарори).

Ишлаб чиқариш корхоналарига товарларини экспорт қилиш учун ўз ишлаб чиқариш маҳсулотларини реклама қилиш ва ташқи бозорнинг маркетинг тадқиқотларини олиб бориш мақсадида хорижда савдо уйлари ҳамда ваколатхоналар очишга руҳсат берилади. (1997 йил 10 октябрдаги ПҚ-1871-сонли).

Товар консигнация шартларида, банк кафолатномаси ёки сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан экспорт контрактларини суғурталаш полисини тақдим етмасдан экспортчи томонидан чет элдаги корхона номига:

ўз ишлаб чиқарган маҳсулот устав жамғармасида экспортчининг улуши камида 51 фоизни ташкил қиладиган чет элдаги корхона номига экспорт қилинганда етказиб берилиши мумкин; (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 9 августдаги 189-сонли Қарори)

Божхонада расмийлаштирилган кундан бошлаб 180 кун мобайнида экспортчи шартномалар (контрактлар) асосида чет элдаги корхоналар номига олиб чиқилган товарлар бўйича валюта тушуми тушишини ёхуд ушбу товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтаришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш мезон-ларини ва баҳолаш тизимини белгилаш ва амалга ошириш чора-тадбирлари Давлат дастурига мувофиқ, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, товарларни электрон декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилган. Мазкур ҳужжат лойиҳаси Давлат Божхона Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги вақтда манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар томонидан мувофиқлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги ПФ-3557-сонли “Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг устувор йўналишларини демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Фармойишининг бажарилиши юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилган ва Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун киритилган. Божхона қонунчилигидан

фойдаланишни мазкур конун лойиҳаси билан бир хиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида, амалдаги Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Божхона тарифлари тўғрисидаги” Қонуни бирлаштирилган, ҳамда халқаро норма ва стандартлар билан мувофиқ-лаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (28.04.2011й. ВМҚ-122-сонли) Қарорига мувофиқ "Ўзстандарт" агентлигининг маҳсулот-ларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ташкил этилган ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ташкилотларга стандартлар, сертификатлаштириш, ёрликлаш, қадоқлаш ва бошқа параметрлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талаблар юзасидан бепул консалтация хизматлари кўрсатиш;

- ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда стандартлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талабларни жорий этиш ва улар даражасига эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий бозорларга киритиш бўйича зарур маълумотларни олиш учун ишлаб чиқарувчи ташкилотларга ахборот-консалтация ёрдами кўрсатиш;

- стандартлар, сертификатлаштириш, маҳсулотларни ёрликлаш, қадоқлаш ва бошқа параметрлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талабларнинг доимий равишда янгилаб бориладиган маълумотномасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, кейинчалик уни Интернет тармоғидаги "Ўзстандарт" агентлиги сайтига жойлаштириш.

Шунингдек, ишлаб чиқарувчи ташкилотларга қулай шарт-шароитлар яратиш, сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштириш мақсадида, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ, экспортга етказиб бериш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ихтиёрий равишда сертификатлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сон “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига мувофиқ, товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғимларининг амалдагига қараганда ўртача 2 маротабага камайтиришни назарда тутувчи янги ставкалари тасдиқланган.

Мазкур Қарорга мувофиқ белгиланганки, 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун давлат божхона хизмати органларида экспорт контрактларини ҳисобга қўйиш товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида бевосита божхона постларида амалга

оширилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ хом ашё товарлари экспортдан ташқари).

Шундай қилиб, 2011 йил 1 октябрдан бошлаб, экспорт қилувчи корхоналар учун божхона расмийлаштируви, декларация қилиш, сертификатлаштириш, санитария-эпидемиология назорати ва товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнида қатнашадиган бошқа ташкилотлар фаолиятининг бир вақтнинг ўзида амалга оширилишини таъминлайдиган "бир дарча" тамойили асосида механизми фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, мазкур Қарорга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарларини экспорт қилишга ихтисослаш-тирилган "Ўзтадбиркорэкспорт" ташқи савдо компанияси ташкил этилган ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига уларнинг товарларини тўғридан-тўғри экспорт қилиш шартномалари бўйича, шунингдек хорижда ташкил этиладиган савдо уйлари орқали сотишда кўмаклашиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишга доир амалдаги шартномалар гарови асосидан экспортдан олдинги молиялаштиришни ташкил этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртмаларига кўра республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни етказиб бериш;

- экспорт маҳсулотларини сертификатлаштиришда кичик бизнес корхоналарига кўмаклашиш, реклама тадбирларини ўтказиш, халқаро ярмаркалар ва кўргазмаларни ташкил этиш ва қатнашиш, манфаатдор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот ва маслаҳат хизматлари билан таъминлаш.

Шу билан бирга, "Ўзтадбиркорэкспорт" компанияси қуйидагилардан озод этилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга сотишдан тушган хорижий валютанинг бир қисмини мажбурий сотишдан. Бунда улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртмаларига кўра республикада ишлаб чиқарилмайдиган янги технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни харид қилишга мақсадли йўналтирилади;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртмаларига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги технологик асбоб-ускуналар,

-эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар юзасидан божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сонли “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг "Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2000 йил 29 июндаги 245-сонли Қарори 5-бандига ўзгартиришлар киритилган ва бу чет эл валюта тушуми тушишини кечиктирган экспорт қилувчи ташкилотларга жарима санкцияларини енгиллаштиришни назарда тутди, жумладан: чет элдан валюта тушуми тушишининг белгиланган муддатлари ўтгандан кейин 30 банк кунидан кўпроқ муддатга кечикишига йўл қўйган экспортчига (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун - 60 банк куни) нисбатан солиқ органлари томонидан қуйидаги санкциялар қўлланилади:

- валюта тушуми тушиши белгиланган муддатдан 180 кунгача кечикканда - тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан 10 фоиз эквивалентда;

- валюта тушуми тушиши белгиланган муддатдан 180 кундан 365 кунгача кечикканда - тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан 20 фоиз эквивалентда;

- валюта тушуми тушиши белгиланган муддатдан 365 кундан ортиқ муддатга кечикканда - тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан қўшимча равишда 70 фоиз эквивалентда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПФ-4399-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” Фармониға мувофиқ товук гўштини экспорт қилишни тақиқлаш бекор қилинган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ-1731-сонли “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, маҳаллий товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхоналарга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

- халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалға ошириладиган лойиҳалар бўйича халқаро тендерларда хорижий

катнашчилар билан тенг шароитларда, жумладан ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга чет эл валютасида шартномалар тузган ҳолда иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга тўғридан-тўғри битимлар шартида норезидентлар билан хорижий валютада шартномалар тузиш. Белгиланадики, мазкур бандда (5 модда) кўрсатилган шартномалар фақат хизмат кўрсатаётган ваколатли банкда ҳисобга қўйилган ва экспорт қилувчи корхоналардек солиқ имтиёзлари берилган ҳолда экспорт шартномаларига тенглаштирилади. Бунда, мазкур Қарорнинг (6 модда) сига биноан белгилаб қўйилганки, 2012 йил 1 апрелдан бошлаб янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик янгилашга валюта кредитлари бўйича асосий қарзни қайтаришга жорий тўловлар бўйича йўналтириладиган валюта тушуми қисмини ваколатли банкларга мажбурий сотишдан асосий қарз батамом тўлаб бўлинадиган муддатга қадар озод қилинади.

Сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтиришнинг амалдаги тартиби микрофирмалар ва кичик корхоналар учун татбиқ этилди. Қарорнинг (8 моддаси)га биноан тижорат банкларига экспорт операциялари бўйича факторинг хизматларини амалга оширишнинг чекланган муддатини 60 кундан 90 кунга узайтирган ҳолда экспорт операциялари бўйича факторинг хизматларини амалга ошириш ҳажмини кенгайтириш тавсия этилди.

2012 йилнинг биринчи чораги натижалари бўйича, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси 2011 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 102 фоизни ташкил этиб, 5907,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Шу жумладан, умумий экспорт ҳажми 2011 йилга нисбатан 92,5 фоиз ёки 3 133,4 млн. АҚШ долларини, импорт эса 115,3 фоиз ёки 2774,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Таъкидлаш керакки, 2012 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 359,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлди¹.

Бозор муносабатларига ўтишнинг илк босқичларида ташқи иқтисодий алоқаларнинг давлат томонидан тартибга солиниши, айниқса муҳимдир. Бу эса биринчи навбатда, ташқи савдони ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа шакллари тартибга солиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

механизмларини ўзгарувчан ички ва ташқи шароитларга мунтазам мослаштириб боришни, яъни оқилона ташқи иқтисодий сиёсат юрғизишни талаб этади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг моҳиятини кўриб чиқишдан олдин ушбу тушунча мазмунини аниқлаштириб олиш зарур.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш — бозор муносабатлари шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида прогрессив силжишларни рағбатлантириш, хорижий капитал оқимини кучайтиришга йўналтирилган ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижроия ва назорат қилиш тусидаги чора-тадбирлар тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсати жаҳондаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар нисбатан тез ўзгараётганлигини ҳисобга олиб, жўшқин, ҳаракатчан, мосланувчан бўлиши зарур. Айни вақтда давлатимиз жаҳон ҳўжалигига қўшилаётган бир шароитда гап иқтисодий суверинитет, ватан иқтисодиётини рағбатлантириш, мамлакатнинг туб манфаатларига риоя қилиш тўғрисида борар экан, етарлича барқарор бўлиши талаб этилади. Бунга ташқи иқтисодий сиёсат ўз ривожланишининг илмий асосланган концепциясига таянгандагина эришиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш деганда, энг аввало ташқи иқтисодий фаолият қатнашувчиларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, ташқи савдони тартибга солиш маъмурий услубларининг маълум қадар қисқариши, мавжуд тўсиқ ва ғовларнинг бартараф қилиши тушунилади. Бу мутлақо муқаррар, ички иқтисодий муносабатлар эркинлашувининг мантиқий оқибатларидир. Самарали бозор механизми фақатгина жаҳон бозор муносабатлари билан узвий алоқада ташкил қилинган бўлиши мумкин. Яна бунда энг муҳими турли мамлакатлар иқтисодий ва ҳуқуқий шаклларининг маълум даражада ўхшашлигидадир. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ислохотларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради, ўтиш даври иқтисодиёти масалалари ечимини тезлаштиради. айниқса, катта экспорт салоҳиятига эга бўлган тармоқларга жалб қилишни рағбатлантирувчи имтиёзлар тизими узлуксиз равишда такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон учун ташқи савдони ислох қилиш ва экспортни рағбатлантириш — нафақат эркин айирбошланадиган валютада даромадлар ўсишининг муҳим манбаси, жаҳон иқтисодига интеграциялашувининг асосий

воситаси, балки бошланган иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлайдиган миллий валютани мустаҳкамлаш, иқти-содда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш каби энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлардан ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида республика дуч келаётган асосий қийинчиликлар қуйидагилар:

- ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўзгарувчан шарт-шароитларни инобатга олувчи, уларни давлат томонидан тартибга солишинг илмий асосланган концепциясининг мавжуд эмаслиги;

- ташқи савдонинг ташкилий инфратузилмаси ва экспортга реал кўмаклашишнинг сустривожланиши;

- ташқи иқтисодий қатнашувчиларининг аксарият қисмида ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бозор иқтисодиёти, жаҳон бозорига кириш шарт-шароитлари, ҳуқуқий ва техник жиҳатлари тўғрисидаги махсус билимларнинг етишмаслиги;

- жаҳон бозорлари ҳақида керакли тижорий маълумотларнинг етишмовчилиги ёки йўқлиги;

- ташқи савдонинг функционал соҳаларида техник қўллаб-қувватлаш кўпчилик турларининг мавжуд эмаслиги;

- божхона ва экспорт-импорт назоратини компьютерлаштириш ва автоматлаштиришнинг талаб даражасида эмаслиги.

3-боб. Мамлакатни модернизация қилиш даврида экспортбоб махсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўллари.

3.1. Саноат корхоналарида экспортни ривожлантириш босқичлари, муаммолари ва истиқболлари.

Ҳозирги пайтда бирон давлатдаги иқтисодий ўсиш ва халқнинг фаровонлиги кўп жиҳатдан ўша давлатнинг халқаро савдо ва халқаро меҳнат тақсмоти афзалликларидан нақадар унумли фойдаланаётганлигига боғлиқ. Шу маънода давлатнинг ташқи савдони халқнинг даромади манбаига айлантириш имконияти асосан ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига боғлиқ.

Ўзбекистон ижтимоий – иқтисодий тараққиётининг айна палласида экспорт ҳажми ва салоҳиятини ошириш бир неча сабабга кўра муҳим аҳамият касб этади.¹

Биринчидан, экспортни ривожлантириш ички бозордаги чегараланган имкониятлардан ташқари тақлиф бозори ҳажмини ташқи омиллар эвазига кенгайтириш имконини беради. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Мазкур омилнинг долзарблигини шу билан изоҳлаш мумкинки, бир тарафдан, мустақилликка эришгунга қадар мамлакатдаги деярли барча корхоналар нафақат Ўзбекистон, балки собиқ Совет итифоқининг бошқа республикалари эҳтиёжини ҳам қондиришга қаратилган ҳолда тузилган бўлса, бошқа тарафдан, мустақиллик йилларида ташкил этилган кўпгина корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам (асосан текстиль, автомобиль, кимё саноати ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида) ички талабнигина эмас, балки ташқи дунё эҳтиёжини ҳам қондиришга йўналтирилган. Бироқ айна пайтда мазкур корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланилмаяпти ва уларнинг бир қатор

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 377 бет.

маҳсулотлари ички бозор ҳажмининг чегараланганлиги ва ушбу соҳада мавжуд муаммолар туфайли экспортнинг ҳам чегараланганлиги учун ўз рақобатбардошлигини йўқотмоқда. Демак, мазкур корхоналарда мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш ва шу аснода рақобатбардошликка эришиш кўп жиҳатдан келажакда бу маҳсулотлар экспорти кўламини ошириш билан боҳликдир. Айни пайтда яна бир омилни ҳисобга олиш керакки, ҳозирги даврда иқтисодиётнинг деярли кўпгина тармоқларида рақобатбардошликка эришиш фақатгина оммавий ишлаб чиқариш (кўлам таъсири) эвазига бўлиши мумкин. Бу эса нафақат ички, балки ташқи бозор талаби ҳам аввалдан ҳисобга олинган тармоқларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш кераклигини назарда тутди.

Иккинчидан, экспорт фаолияти даврида миллий ишлаб чиқарувчилар ташқи бозорда чет эллик ишлаб чиқарувчилар томонидан жиддий рақобатга дуч келадилар. Бу ҳолат уларни доимо ишлаб чиқаришни замон талабларга мос тарзда жорий этиш, янги технологиядан фойдаланиш, маҳсулот ассортиментини янгилаб туриш ва унинг таннархини пасайтиришга ундайди. Демак, узоқ муддатли даврда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган сиёсатни айтиш мумкин. Учинчидан, йилдан йилга Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган чет эл сармоялари кўлами ортмоқда. Бу, ўз навбатида, келажакда сармоя сиёсати билан боғлиқ бўлган сармоявий маҳсулотлар импорти (бунга маънавий ва моддий эскириш натижасида техника ва технологияни янгилаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби амалларни мисол қилиш мумкин), чет эл сармояси киритилган корхоналар фойдасини репатриация қилиш, фоиз ва дивидендларни тўлаш, ташқи қарзни узиш ва бошқа ҳаражатларнинг ошишига сабаб бўлади. Мазкур чиқимларни қоплашнинг асосий манбаи экспорт тушуми бўлганлиги сабабли тўлов баланси ва макроиқтисодий барқарорликнинг келажакдаги ҳолати кўп жиҳатдан мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга боғлиқ бўлади.

Тўртинчидан, иқтисодиётда таркибий қайта қуришни амалга ошириш ҳамда жами экспорт ва ишлаб чиқаришда қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар салмоғини ошириш иқтисодиётни технологик жиҳатдан модернизация қилиш масаласига бориб тақалади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун сармоявий маҳсулотлар импорти ҳажмини сезиларли даражада ошириш керак. Бундай маҳсулотлар импорти харажатларини қоплашнинг асосий манбаи эса экспорт бўлганлиги учун мазкур масаланинг ечими ҳам экспортни ривожлантириш, уни жадаллаштиришга боғлиқ.

Бешинчидан, жаҳон тажрибасига кўра, экспортни рағбатлантириш сиёсати импорт ўрнини босиш сиёсатига нисбатан анчайин самаралироқ. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва аҳоли реал даромадларини сезиларли даражада оширишга фақатгина импорт ўрнини босиш сиёсатидан воз кечиб, экспортни рағбатлантириш сиёсатига урғу бергандагина эришиш мумкин.

Кўп мамлакатлар иқтисодий ривожланишда кучли протекционизм ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичидан ўтадилар, кейин эса аста-секин экспортга йўналиш томонга силжийдилар. Кўпинча импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодий мустақилликка эришишнинг усули бўлиб хизмат қилади.

Мамлакат иқтисодий ўсишининг юқори ва барқарор суръатларига эришишни истар экан, аста-секин экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсатга ўтиш муқаррардир. Шу билан бирга, экспортга йўналтирилган стратегияни шакллантириш учун обдон тайёргарлик кўриш кераклигини таъкидлаш лозим. Бозор тамойиллари бўш ривожланган иқтисодиётларда протекционизмни бартараф қилиш ресурсларнинг экспортга йўналтирилишига эмас, улардан тўла фойдаланмасликка олиб келади. Тузилмани муваффақиятли тартибга солиш учун инвестициялар талаб қилинади, бироқ тадбиркорлар, шу жумладан кичик бизнес, иқтисодий кўрсаткичлар зарур йўналишда силжиш мумкинлигидан далолат бермагунча, ўзлари ҳоҳлаган секторга ҳам маблағ ўтказишлари амри маҳол.

Бугунги кунда экспортни ривожлантириш бу макроиктисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир.

Экспортни кенгайтириш — республикага эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кучайтириш ҳамда миллий валютани мустахкамлаш демакдир. Бу корхоналар эҳтиёжманд бўлган янги технологиялар ҳам демакдир. Бу ижтимоий масалаларни ҳал этиш — иш ҳақини ошириш, ижтимоий инфраструктурани кенгайтириш демакдир. Бу ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб туришни кучли тарзда рағбатлантириш демакдир. Бир сўз билан айтганда, экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни хартомонлама рағбатлантириш ва миллий валютамининг барқарорлигини таъминлаш: бугунги кунда энг долзарб бўлиб, уни ҳал этмасдан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳақида сўз юритиб бўлмайди.

Экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг ҳажмини ошириш, таркибини такомиллаштириш, географиясини кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг мураккаб вазифалари қаторига киради.

Мамлакатимизда экспортни ривожлантириш хусусиятлари ва муаммоларини ёритиб бериш мақсадида 2005-2009 йилларда ташқи савдонинг ривожланиши, хусусан экспорт ҳажми, таркиби ва географиясидаги ўзгаришларни (динамикасини) кўриб чиқиб, уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлашга ҳаракат қилайлик.

Ўзбекистон хомашё ва табиий ресурслар етказиб берувчи мамлакатлигича қолишида давом этса, стратегия нуқтаи назардан ташқи бозорга қарамликка маҳкум бўлиши табиий. Экспортга фақат хомашё ва табиий ресурслар чиқарилса, бундай шароитда миллий хўжаликнинг

заифлиги ортади. Негаки унинг самарадорлиги кўпроқ жаҳон ҳомашё бозорларининг конъюнктурасига боғлиқ бўлиб келади. Бу бозорнинг аҳволи эса унчалик барқарор эмас. Кейинги пайтда пахта толаси, энергетика, қора ва рангли металллар, олтин, минерал ўғитлар бозорлари конъюнктурасининг ёмонлашуви мамлакатимиз иқтисодиётига ўзининг бевосита таъсирини ўтказмоқда. Чунки ҳозирги кунда ҳам республика экспортининг 50 фоизга яқинини ана шу маҳсулотлар ташкил этади.

Маълумки, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти экспорт ҳажмини тўхтовсиз ошириб бориш имкониятини беради. Бу борада ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири экспортнинг маҳсулот ва хизматлар таркиби ҳисобланади. Собиқ Иттифоқ доирасидаги меҳнат тақсимотига кўра Ўзбекистонга ҳомашё базаси роли берилганлиги республикаимиз экспорт товар таркибида ўз аксини топганлиги ҳаммага маълум. Мустақиллик йиларида ҳомашё товарларининг экспортини сезиларли даражада қисқартиришга эришилган бўлса ҳам, ҳамон экспорт номенклатурасида ҳомашё ҳамда тўлиқ қайта ишланмаган товарлар устунлик қилмоқда ва устига устак, уларнинг сифати ҳам жаҳон стандартларига тўғри келмайди.

Жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, бир турдаги маҳсулотни кўплаб миқдорда экспорт қилишга мослашиш мамлакат иқтисодиётини ушбу маҳсулотнинг жаҳон бозори конъюнктурасига боғлиқ қилиб қўяди.¹

Ҳукуматимизнинг босқичма-босқич олиб бораётган ташқи савдо алоқалари натижасида Ўзбекистон экспортида мустақиллик йилларида сезиларли таркибий ўзгаришларга эришилди.

Юқорида келтирилган баъзи ижобий ўзгаришларга қарамай, экспортда ҳамон ҳомашёнинг улуши юқорилигича сақланиб келмоқда. Экспортнинг салмоқли қисмини, маълумки, пахта толаси, энергетика ресурслари ҳамда қора ва рангли металллар ташкил этади. Экспортнинг ривожланишга салбий

¹ Манба: Фомичев В.И. Международная торговля: Учебник; 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ИНФРА-М, 2001.стр. 314.

таъсир кўрсатадиган бошқа омилардан яна бири бу экспорт номенклатураси таркибининг торлиги ва деярли ўзгармаслиги шароитида айрим экспорт ҳомашё маҳсулотларининг ҳажмини ошира боришдир. Бунинг оқибатида, яъни маълум бир товарга экспорт таклифининг оширилиши натижасида нархларнинг тушиши ва экспорт самарадорлигининг камайиши кузатилади ва бу, ўз навбатида, республика валюта тушумлари ҳажмига путур етказди.

Шу билан бир қаторда экспорт номенклатураси ҳам етарлича кенг қамровли эмас. Ўзбекистоннинг экспорт номенклатураси атиги 300 турдаги товарларни ўз ичига олади. Агар ушбу кўрсаткични солиштирадиган бўлсак, Хитой 50000 – турдаги товарларни экспорт қилади.¹

Бу маълумотлар Ўзбекистоннинг экспорт товарлари таркибининг ниҳоятда торлигини ҳамда миллий иқтисодиётимиз ҳамон ҳомашё бозорларига сезиларли даражада боғлиқлигини кўрсатади.

Ушбу масалада, фақат ҳомашё экспортигагина таяниш мумкинми, деган савол туғилади. Албатта, мамлакатнинг ҳомашё ресурсларига бойлиги, унинг жаҳон бозорларида нисбатан осон сотилиши нуқтаи назаридан афзалликка эгалигини тан олиш керак. Лекин, мамлакатнинг ҳомашё ресурсларига бойлиги бир қатор сабабларга кўра иқтисодиётнинг, жумладан ташқи савдонинг ижобий ривожланишига етарли асос бўла олмайди:

- биринчидан, ҳомашё экспорт қилувчи мамлакат жаҳон ҳомашё бозорлари конъюнктураси ва нархлар динамикасига боғлиқ бўлади;
- иккинчидан, ҳомашё экспорти нисбатан юқори бўлмаган қўшимча; (устама) яратилган қиймат билан боғлиқ бўлиб, ҳомашёнинг баҳоси унинг табиий танқислигига (чекланганлигига) асосланган бўлади;
- учинчидан, Ўзбекистоннинг ҳомашёга бойлиги руҳий жиҳатдан юқори қийматли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга булган ҳаракатга путур етказиши мумкин.

¹ Манба: Фомичев В.И. Международная торговля: Учебник; 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ИНФРА-М, 2001.стр. 315.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, мамлакат экспорти асосан айрим турдаги товарлар ёки ҳомашёга боғлиқ бўлса, уларга бўлган жаҳон бозори конъюнктурасининг салгина ўзгариши (пасайиши) ҳам мамлакат экспорт тушумларининг кескин қисқаришига олиб келади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, бир томондан, экспорт номенклатурасини кенгайтириш ва умумий экспортда ҳар бир турдаги ҳомашё маҳсулоти улушини қисқартиришга эришиш муҳим бўлса, бошқа томондан, халқаро ҳомашё экспортидаги Ўзбекистоннинг ҳиссаси салмоқли эканидан фойдаланиб, экспортимизнинг асосини ташкил этувчи ҳомашё жаҳон бозорлари конъюктурасига таъсир эта олишни, уни бошқаришни ўрганишимиз ва бунга эришишимиз керак.

Ўзбекистан экспортида узоқ хорижий давлатлар улушининг ўсишига олиб келаётган сабаблардан яна бири бу жаҳон нархлари даражаси ва МДХ бозорларидаги нархлар ўртасидаги фарқларнинг мавжудлигидир. МДХ бозорларида нархлар жаҳон нархларидан паст бўлган товарлар экспорти узоқ хорижий давлатлар бозорларига фаол суръатларда кўчиб бормоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида экспортни, унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ривожлантиришга, яъни ҳажмини кўпайтириш, географиясини ва таркибини бирмунча кенгайтиришга эришилганлигини намоён этмоқда. Экспортни ривожлантиришни секинлаштираётган муаммолар, маълумки, қуйидаги асосий омиллар билан белгиланади:

- ташқи бозорга ишлайдиган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватловчи молия кредит секторнинг етарли ривожланмаганлиги;
- нархлар эркин бўлган бир шароитда кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқариш монополиясининг сақланиб қолиши корхоналарга истаганча нарх қўйиш имконини бермоқда. Улар бундай шароитда ўз маҳсулотларини ички бозорда сотишдан кўпроқ манфаатдордирлар;

- хусусий секторнинг суст ривожланганлиги ва унинг экспортдаги улушининг сезиларли эмаслиги;
- экспорт қилинадиган маҳсулотлар нархининг қимматлашишига сабаб бўлаётган ҳамда уни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз қилиб кўяётган аксарият қисми тарифлар жуда юқори бўлган мавжуд юк ташиш тизими;
- кўпгина корхоналарнинг фаол ташқи иқтисодий сиёсатга эга эмаслиги: бу маркетинг тадқиқотлари ва реклама ишларини жуда заиф равишда ташкил этилганлигида кўзга ташланмоқда;
- экспорт маҳсулотларини кўпайтириш учун яхши имкониятга эга бўлган айрим корхоналарда зарур айланма маблағлар ва сармояларнинг йўқлиги;
- экспортдан тушадиган валюта тушумининг давлатга мажбурий сотиш ставкасининг юқорилиги, миллий валюта расмий курсининг юқори қилиб белгиланганлиги;
- кўпгина тайёр маҳсулот турларини ишлаб чиқаришнинг алмисокдан қолган технологияларидир. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг серхаражатлилиги, кўп материал ва энергия талаб қилиши билан ажралиб туради. Натижада кўпгина маҳсулот турлари таннархининг жаҳондаги шундай маҳсулотлар таннарихидан анча юқорилиги уларни рақобатга бардошсиз қилиб қўймоқда;
- экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва экспортга кўмаклашиш тизимининг етарли эмаслиги.

Ушбу санаб ўтилган, экспортнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни тартибга солишда ва бартараф этишда, шубҳасиз, давлатнинг асосий роли иқтисодиётни эркинлаштириши жаддаллаштириш ҳамда экспортни тартибга солувчи, рағбатлантирувчи ягона давлат тизимини

ва экспортга кўмаклашиш аниқ чора-тадбирлари механизмини барпо этишда намоён бўлиши керак.

учинчидан, инсон омилини ривожлантириш экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса турли буғинлардаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифасини ўз зиммасига олиши лозимлигини билдиради. Бунинг учун ишчиларнинг билимлари ва касб малакаларини такомиллаштириш, ишчиларни тайёрлаш замонавий техника ва технологияларда амалга оширилиши керак;

тўртинчидан, экспорт салоҳиятини рағбатлантириш мақсадида турли муруватлардан фойдаланиш зарур. Биринчи навбатда, унча узоқ бўлмаган муддатга экспорт субсидиялари киритиш лозим. Аммо бундай субсидиялар уларни амалга ошириш учун қилинадиган бюджет ҳаражатларини кўпайтирмаслиги керак. Экспортни рағбатлантиришнинг энг қулай шакли эркин иқтисодий зоналар ҳисобланади,

бешинчидан, қулай муҳит шароитлари ва аҳолининг анъанавий малакаларидан мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантиришда кенг фойдаланиш зарур. Бунда аҳолининг мева ва сабзавот етиштириш бўйича малакалари назарда тутилмоқда. Бизнингча, Ўзбекистон Европа Иттифоқи учун сабзавотларни етказиб берувчи асосий мамлакат бўлган Португалиянинг тажрибасини ўрганиши керак. Бу тажрибани қўллаш Ўзбекистонда ҳам экспортга йил давомида сабзавот етказиб берувчи бутун бир соҳани яратиш имконини беради. Етиштирилган маҳсулот Ўзбекистон мева ва сабзавотларининг анъанавий истеъмолчилари бўлган Қозоғистон, Россиянинг Сибирь, Урал ва бошқа минтақаларига етказиб берилиши керак. Мева ва сабзавот ишлаб чиқариш мамлакат экспорт салоҳиятини олдинга тортувчи локомотивга айланиши керак. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг бу турига жуда катта эътибор бериш ва давлат ёрдамини кўрсатиш зарур.

Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни яратиш стратегиясини амалга оширишнинг 2-босқичида экспорт салоҳиятини, айниқса, саноатнинг қайта ишлаш соҳаларида, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон

иқтисодиётини технологик жиҳатдан модернизация қилиш бўйича ўтказиладиган тузилмавий ўзгаришларнинг энг муҳим элементиға айланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш ва ўзбек корхоналари маҳсулотларининг дунё бозорига муваффақиятли кириб боришини таъминлаш учун ташқи савдо соҳасини эркинлаштиришдан ташқари, бу фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун бир қатор тадбирлар амалға оширилиши керак. Бизнингча, бу тадбирлар сирасига қуйидагилар киради:

- корхоналарни тузилмавий қайта қуриш ва техник модернизациялаш
учун зарур ҳажмда молиявий воситалар ажратиш;
- экспортни кафолатлаш ва суғурта қилиш жамғармалари ташкил қилиш учун маблағ ажратиш;
- ҳар бир вилоят ва йирик шаҳарда маркетинг тадқиқотлари марказлари очиб уларнинг фаолиятини дунё бозорига рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва реклама хизмати кўрсатишға йўналтириш;
- биринчи навбатда, харидорлари ҳали ўзбек маҳсулотларини унутиб улгурмаган МДХ мамлакатларида дилерлар, савдо уйлари ва консигнация омборларнинг кенг тармоғини яратиш.

Экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг ҳаражат таркибини таҳлил қилиш экспортнинг энг маъқул номенклатурасига қайта ишловчи соҳалар ва енгил саноат маҳсулотларини киритиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда импорт қилинаётган бутловчи қисмлар ҳажми экспорт нархининг тўртдан бир қисмидан ортмайди ва бу маҳсулотни экспорт қилиш самарадорлигини таъминлайди. Шу сабабли мана шу соҳалар, айниқса, енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтиришнинг янги имкониятларини топиш мақсадға мувофиқ. Енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилишнинг янги шаклларида бири аҳолининг

асрлар давомида тўплаган тажрибаси борлигини ҳисобга олиб, кийим ва пойафзал тикадиган корхоналар ташкил қилиш бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг рақобат қилишдаги устунликлари экспортга йўналтирилганликни муваффақиятли ривожлантириш учун асос бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллий хомашёдан фойдаланадиган соҳалар каттароқ имкониятга эга. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ички хомашё ва меҳнат ресурсларини қамраб олиши мумкин бўлган кўп меҳнат ва кўп ресурс талаб қилувчи соҳалар. Тўқимачилик, химия, озиқ-овқат саноатининг баъзи турларини ҳам шуларга қўшиш мумкин;
- баъзи техника ва илмни кўп талаб қилувчи соҳалар. Улар ўзлари билан бошқа инвестицион лойиҳаларни чуқур ишлаб охирига етказишни тақазо қилади. Шулар жумласига биокимёвий ишлаб чиқариш (аввало, маҳаллий хомашёдан дорилар ишлаб чиқариш), электрониканинг баъзи элементларини ишлаб чиқариш, ядро физикасининг тижорат йўналишлари, машинасозликнинг қатор йўналишларини киритиш мумкин.

Бирламчи соҳалар (қишлоқ хўжалиги, энергетика ва қазиб олиш саноати)нинг барқарор ривожланиши иқтисодий ўсишнинг муттасил давом этиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда ЯИМ таркибида бошқа соҳаларга нисбатан катта улушга эга бўлган ва энг кўп одамни банд қилган қишлоқ хўжалик соҳаси алоҳида эътиборга лойиқ. Нархларни эркинлаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган аграр ислоҳатлар мамлакат иқтисодининг тез ва барқарор ривожланиши учун пойдевор бўлиши керак.

Шундай қилиб, яқин йиллар ичида Ўзбекистон Республикаси дунёда энг динамик ривожланаётган мамлакатлардан бирига айланиши керак. Агар иқтисодиёт ва ташқи савдони эркинлаштиришга қаратилган кечиктириб бўлмас чоралар мажмуи ишлаб чиқилса ва амалга оширса, бу мақсадга

эришишимиз мумкин. Иқтисодиётни эркинлаштириш на бу жараёнга миллионлаб оддий меҳнаткашларни жалб этиш йўли билангина экспорт салоҳиятини ошириш мумкин. Шу сабабли ҳам давлат асосий эътиборни чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш йўли билан экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратиши лозим. Экспортга йўналтирилган иқтисодни ривожлантиришда муваффақиятларга эришган мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, мамлакат захиралар ҳисобига эмас, балки инсон салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланган тақдирдагина бойиб кетиши ва гуллаб-яшнаши мумкин. Бунинг учун эса бозор иқтисодиёти шароитида инсонга кўпроқ эркинликлар бериш кера

3.2. Мамлакатни модернизация қилиш даврида экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўллари.

Экспорт диверсификацияси, яъни ҳорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хомашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир ахволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий ахволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хомашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезрок қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу

махсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак.

Президентимиз томонидан маърузада илгари сурилган тайёр рақобатбардош махсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу махсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.¹

Мамлакатимизнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнини топишида моденизация жараёнлари муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқаришнинг замон талабларига жавоб беришидан корхона ва фирмалар билан бир қаторда иштемолчилар ҳам наф кўради. Бу ҳолни куйидаги схемада кўриш мумкин.

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012.

Юқори технологиялардан фойдаланишнинг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга бўлган таъсири.

3.2.1- чизма.



Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда.

2011 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 2010 йил билан солиштирганда 15,4%га ўсиб, 25 537 млрд. Ўз навбатида импорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажми ҳам 14,5%га ўсиб 10,51 млрд, долларни ташкил қилган. Ташқи савдонинг ижобий салдоси 4,517 млрд. Долларни кўрсатди. Бу 2010 йил билан солиштирганда 272,6 млн. долларга ошиқ деганидир.

Айни чоғда, жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг таъсирида кўпчилик мамлакатларда экспорт ҳажмининг кескин қисқариши кузатилмоқда. Жумладан, 2011 йилда экспорт ҳажмларининг қисқариши Россия Федерациясида 44,2 фоизни, Украинада 48,7 фоизни, Қозоғистонда 47,7 фоизни ташкил этди.

2002 – 2011 йиллар давомида экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг тарқибини такомиллаштириш борасидаги чора – тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди.

Ўзбекистон экспортининг товар таркиби¹

3.2.1-жадвал.

Кўрсаткичлар	2002 йил	2007 йил	2010 йил	2011 йил
Экспорт жами (млн. АҚШ долл.)	3267,6	4853,0	11493,3-	11771,3
Экспорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):	100,0	100,0	100,0	100,0
Пахта толаси	27,5	19,1	9,3	8,6
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	2,9	5,3	5,6	5,0
Қора ва рангли металллар	6,6	9,2	7,0	5,0
Машина ва ускуналар	3,4	8,4	7,6	2,9
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8	4,5	6,0
Энергия ресурслари	10,3	11,1	24,7	34,2-
Хизматлар	13,7	12,2	10,4	8,8
Бошқалар	30,2	30,5	30,9	29,5

Хусусан, бошқа товарлар позициялари буйича экспорт ҳажмининг жадал усиши пахта толасининг жами экспортдаги улушини 2009 йилдаги 27,5 фоиздан, 2010 йилда 9,3 фоизга, 2011 йил якунларига кўра эса 8,3 фоизгача пасайишга олиб келди.

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

2000-2011 йилларда республикаимиз импорти таркибида ижобий силжишлар руй берди. Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технрлогик жихатдан кайта куроллантириш тадбирларининг кенг миёсда амалга оширилишини таъминлаш жами импорт хажмида машина ва ускуналар импорти улушининг жадал усишига олиб келди.

Ўзбекистон импортининг товар таркиби¹

3.2.2-жадвал.

Кўрсаткичлар	2002 йил	2007 йил	2009 йил	2011 йил
Импорт жами (млн. АТСТТТ долл.)	2944,5	4091,3	9704,0	9438,3
Импорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Киме махсулотлари, пластмасса ва пластмасса махсулотлари	13,6	13,6	11,6	11,1
Кора ва рангли металлар	8,6	10,3	7,7	6,3
Машина ва ускуналар	35,4	43,3	52,4	56,5
Озик-овкат махсулотлари	12,3	7,0	8,3	9,0
Энергия ресурслари	3,8	2,5	4,6	5,3
Хизматлар	8,5	10,4	4,4	4,4
Бошкалар	17,8	12,9	11,0	9,2

МДХ мамлакатларининг улуши 2011 йил якунларига кўра 33,9 фоизни ташкил этди. 2011 йилда мамлақтимиз корхоналари экспортининг 21,0 фоизи Россия Федедацияси, 7,2 фоизи Украина, 6,2 фоизи Қозоғистон хиссасига тўғри келди

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлаklarини топиш, бир сўз билан айтганда фаол маркетинг асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юргизиш зарур.

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

Республикаимиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш ҳаражатларини камайтиришда кўмаклашиш;
- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;
- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;
- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт ҳаражатларини камайтириш ва х.к.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010-2012 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш

мақсадларига хизмат қилади. Ҳозирги вақтда экспортни ошириш ва уни диверсификацияланган тузилмасини шакллантиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Бу жиҳатдан республиканинг катта экспорт салоҳиятига эга ҳудудлари ва вилоятларини ташқи иқтисодий фаолият тизимига фаол жалб қилиш зарур. Минерал ва қишлоқ хўжалик хом - ашёсига ишлов берувчи, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, тугалланган технологик циклга эга бўлган ишлаб чиқаришлар иқтисодиётда муҳим ўринларни эгаллаши керак. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши ва Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг стратегик йўналишлари. Ҳозирги вақтда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёни республика иқтисодий тизимни унумли ислоҳ қилиш жараёнининг ажралмас қисми сифатида изчил ва мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширмоқда. Ўзбекистонда экспорт фаолияти бутунлай эркинлаштирилган. Республикада барча товар ва хизматлар учун экспорт божлари, экспортни лицензиялаш ва квоталаш тизими бекор қилинган. Импорт режими ҳам жиддий эркинлаштирилган. Ўзбекистонда импорт учун чекловлар йўқ. Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий комплекснинг қуйидаги стратегик ва долзарб масалаларини ҳал қилиш бўйича Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги амалга оширмоқда.

Географик меҳнат тақсимооти маълум ҳудудларда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги шу фарқларни мувофиқлаштириш, алоҳида иқтисодий районлар ёки мамлакатлар ўртасидаги муаммоларни бартараф этиш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Ўзбекистонда, шунингдек, давлатларнинг ривожланганлик даражасидаги, иқтисодий ва сиёсий вазиятдаги, транспорт, географик ўрнидаги мавжуд тенденциялари ва бошқа жиҳатларга асосланган ҳолда. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси динамикасида ўсиш ҳоллари кўзга ташланади.

Республикаимиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Битирув битирув малакавий иш иши натижасида бир қатор хулосаларга келинди:

1. Савдо муносабатлари ва инвестициялар ихтиёрий давлат учун иқтисодий ривож манбаи бўлиб келган. Хозирги пайтда ташқи савдода турли тўсиқ ва чекланишлар олиб ташланиши ҳисобига кенгайиб бормоқда. Бу жараёнда фаол иштирок этаётган хорижий мамлакатлар ривожланаётган мамлакатлар билан ўз муносабатларини янгидан кўриб чиқмоқда ва кенгайтirmoқда.

2. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар томонидан битилган ҳамкорлик ва шерикчилик шартномаси томонларнинг сиёсий соҳада, маданият, қонунчилик, демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлигини ўз ичига олган. Бу ишда урғу кўпроқ иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорликка ажратилган. Шартномада кўрсатиб ўтилган товарлар соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасидаги халқаро савдо муносабатларидаги тўсиқларни бартараф этиш ва савдо шароитларини енгилаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлик доирасида товарлар ва хизматлар савдоси, саноат ҳамкорлиги, инвестицияларни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш, давлат буюртмалари, стандартлаш, хомашё ва тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалик ва агросаноат комплекси, энергетика, транспорт, атроф-муҳит ҳимояси, телекоммуникация, хусусийлаштириш, ижтимоий соҳада, туризм, кичик корхоналар, истемолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш, божхона иши каби соҳалар ўз аксини топган.

Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар саноат соҳасидаги ҳамкорлиги иккала томоннинг фаолият юритувчи хўжалик агентларининг ҳамкорлигини

кенгайтиришнинг Ўзбекистон саноати ислоҳотида иштирок этиш; бошқарув самарадорлигини ошириш, хомашёни қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш; маркетингни ўз ичига олган тижорат амалиётини ривожлантириш; атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва бошқа соҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

4. Ўзбекистон Республикаси муносиб келажак қуришга интилар экан, бунда мамлакатнинг тараққиёти ривожланган давлатлар билан бўлган иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлари қай тарзда амалга оширилиши катта аҳамиятга эгадир. Келажакда деярли бутун қитъани эгаллаши кутилаётган жаҳон интеграция гуруҳи билан ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси учун ниҳоятда истиқболли бўлиб, Ўзбекистондаги ислохотлар кўп жиҳатдан ушбу ҳамкорлик қанчалик самарали амалга оширилишига боғлиқ. Шундай экан, Ўзбекистонда бу ҳамкорликнинг имкониятлари тўлиқ амалга оширилиши учун керакли шарт-шароитлар яратилиши мақсадга мувофиқдир.

5. Бугунги кунда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар (Дания, Австрия, Греция каби) билан ўрнатган ҳамкорлиги, савдо - иқтисодий муносабатлари имконият даражасидан паст амалга оширилмоқда. Асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланмиш мамлакатлар (-АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Нидерландлар, Италия) билан ҳам иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари жуда кенгдир. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон - хорижий мамлакатлар ҳамкорлиги аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Келажакда жаҳон ва Ўзбекистон ўртасида нафақат савдо муносабатлари, балки капиталлар оқими, ишчи кучи миграцияси кенг авж олиш имкониятлари мавжуд.

6. Ўзбекистон учун хорижий мамлакатлар ҳамкорлиги жуда муҳим, улар билан муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаши мумкин. Шунинг назарда тутган ҳолда, Ўзбекистонда ушбу муносабатларни чуқурлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиб берилиши лозим. Бу, аввало, Ўзбекистон қонунчилиги

уйғунлашуви, ўзбек мутахассислари ва тадбиркорлари малакаси ошиши, уларда замонавий бозор кўникмалари ҳосил қилинишига тегишлидир. Шу билан бир қаторда, дунё компаниялари Ўзбекистонда фаолият юритишлари учун мақбул қонунчилик яратиш, мақбул валюта сиёсати олиб бориш, бу компаниялар фаолиятига қонун доирасидаги қафолатлар яратиш лозимки, компаниялар ўзлари эркин бозор рақобати қонун-қоидалари асосида фойда оладилар ва Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтирадилар.

7. Хорижий мамлакатлар Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкор сифатида тан олади ва Республика қисқа вақтда УСТга аъзо бўлиши тарафдоридир. Бу, ўз навбатида, ҳудудлар ўртасидаги муносабатлар кенгайишида янги босқич бўлиб хизмат қилади.

8. Бугунги кунда савдо муносабатлари Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан савдо муносабатларининг 1/3 қисмини ташкил этади. Бу кўрсаткич йил сайин ошиб бормоқда. Тараққий этган давлатлар билан савдо муносабатлари кенгайиши Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга экан, Ўзбекистон, юқорида таъкидланганидек, аввало ўзининг экспорт имкониятларини кенгайтириш устида иш олиб бориши лозим. Мазкур ишда бу масала юзасидан айрим таклифлар ўртага ташланди.

9. Ўзбекистон билан хорижий давлатларнинг иқтисодий муносабатлари ўз ривожланишида ҳуқуқий нормалар ва томонлар ўртасида имзоланган шартномалари билан қафотланган ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда, муносабатлар истиқболлари белгиланишида иккала томон учун иқтисодий ва ижтимоий соҳада мақбул натижаларга эришишга қаратилганлигини таъминланиши муҳим аҳамиятга эга.

10. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг глобал тус олиши талаб ва халқаро савдо ҳажмининг қамайиши ҳамда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатади.

11. Глобал молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларда иқтисодиётни давлат

томонидан тартибга солиш усулларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-313-сонли Қонуни. //Халқ сўзи. -2011-№ 201. 31 декабрь.
4. Экспорт назорати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9 моддасига қўшимча киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси қонуни-2006 йил 20 июн //Халқ сўзи.-2006 йил 21 июн. № 118-1б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги» ги қонуни. –Т.: 1996.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар. – Т.: 2012.
7. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2012 йил 10 апрель. //Халқ сўзи-2012 йил 11апрель. № 70 (5490) -1б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-1092-сонли қарори. 2009 йил 8 апрель //Халқ сўзи-2009 йил 9 апрель. № 68 -16.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 290-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008й

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” 288-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008й.

11. Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Мажлиси Қарори. 2007 йил 30 январ, 21-сон. //Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари.-2007. И-3.-296.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

12. И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”. 2009й. -56 бет

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”мавзусидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январ, № 14 (5434)

14. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 14 феврал, № 33-34 (4696-4697)

15. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. //Халқ сўзи, 2008 йил 9 феврал, 28-сон.

V. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқукий- меъёрий ҳужжатлар

16. Ўзбекистон Республикаси ТИАИС вазирлигининг «Экспорт шартномаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида» низом. ЎЗ АВ томонидан 192-сон билан рўйхатга олинган –Т.: 2001 й.

17. VI. Дарсликлар

18. А.Ўлмасов, Н.Тўхлиев. Бозор иқтисодиёти. Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1991, 226- бет.

19. Болтабаев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Т.:«Фан», 2004. 200 б.

20. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С. “Глобал бизнес”. –Т.: “Ўқитувчи”, 2003.

21. Багиев Г.Л., Моисеева Н.К., Черенков В.И. Международный маркетинг: Учебник для вузов. 2-е изд.- Спб.: Питер, 2008.-688 с.

22. Авдокушин Е.Ф. Маркетинг в международном бизнесе: Учеб. пособ. – 3 – е изд. – М.: «Дашков - К», 2007. – 328 с.

23. Свихунов В.Г. Таможенно-тарифное регулирование внешне-экономической деятельности. Учеб. пособие. – М.: Экономист, 2004.

24. Фомичев В.И. Международная торговля: Учебник; 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ИНФРА-М, 2001.стр. 314.

VII. Ўқув қўлланмалар

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”

мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю. Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. –Т.: Иқтисодиёт, 2009. -120 б.

27. Ишмуҳамедов А.Э., Джумаев З.А., Макроиқтисодиёт (маърузалар матни) –Т. ТДИУ, 2010. 173 бет.

28. Тухлиев Б.К., Юсупов О.А., Агзамов А.Т, Тўхсанов Қ.Н. Солиқлар ва солиққа тортиш: Ўқув қўлланма. – Т.: 2007. -320 б.

29. Alimardonov M.I., Toxsonov Q.N. Soliq nazariyasi. O’quv qo’llanma – Т.: O’zbe kiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg’armasi nashriyoti, 2005. 168b.

30. И.С.Хотамов, Г.А.Абдилакимов «Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш» фани (Ўқув қўлланма). - Т.: ТДИУ, 2012.160 бет.

31. Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н. Оммабоп иқтисодиёт: моҳият ва асосий тушунчалар. Илмий-оммабоп нашр. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. - 197 б.

32. Карпова С.В. Международный маркетинг. Учеб. пособие для вузов, 2-е изд. – М.: Экзамен, 2006 – 288с.

33. Голубкова Е.Н. Международный маркетинг: учеб.- метод. пособ.- М.: Дело и Сервис, 2008.-256 с.

34. Дейнекин Т.В. Международный маркетинг и интернет маркетинг: уч.пособие – М.: МЕСИ 2006.

VIII. Газета ва журналлар

35. Халқ сўзи” газетаси 2011-2012 йил сонлари.

36. Иқтисодиёт ва таълим 2010-2011 йил сонлари

37. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнал. –Т.: 2011-2012 йиллар

IX. Статистика тўпламлари маълумотлари

38. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича яқунлари. – Т.: Давлат статистика қўмитаси. 2012.

X. Интернет сайтлари

39. www.gov.uz–Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.

40. www.press-service.uz–Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.

41. www.mfer.uz–Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.

42. www.UzA.Uz–Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

43. www.review.uz – “Економическое обозрение” журналининг расмий сайти.

44. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.

45. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.